

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“Иқтисод” ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси мудири:
доц. Шарипов.Б_____

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2011 йил

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича битирувчи

Атаханова Муҳаббатнинг

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илимий раҳбар: _____

Наманган 2011

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

_____ факултети _____ кафедраси
_____ йўналиши _____ гуруҳи

Тасдиқлайман _____

Каф.мудир _____

201__ йил _____

(сана)

Малакавий битирув иши бўйича топшириқ

Талаба _____

(фамилияси, исми, шарифи)

1.Битирув ишининг мавзуси _____

«_____» _____ 201__ й. Кафедра мажлисида маъқулланган.

2.Битирув ишни топшириш муддати _____

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларнинг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади). _____

Topshirdi: Atahanova M

Rahbar: Akbarov G'

Mavzu: Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалалари

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
I-боб. Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг концептуал асослари.....	
I.1. Тўлов тизимининг моҳияти, аҳамияти, зарурлиги.....	
I.2. Тўлов тизимининг таркиби.....	
I.3. Тўлов тизимини такомиллаштириш босқичлари.....	
II-боб. Тижорат банкларида тўлов тизими таркибининг таҳлили.....	
II.1. Нақд пулли тўлов тизими таҳлили.....	
II.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таҳлили.....	
II.3. Нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни мувофиқлаштириш.....	
III-боб. Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов тизими ва уни такомиллаштириш.....	
III.1. Банklar фаолиятида тўлов тизими муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.....	
III.2. Тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари.....	
III.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банк тўлов тизими га таъсири.....	
Хулоса ва таклифлар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўтказишга олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустахкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши республикада фаолият юритаётган банкларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу қарорда тижорат банкларнинг ташкил этишга қўйиладиган талаблари, уларнинг операциялари, имтиёзлар, кредитлаш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида ўрин ажратилган. Ҳозирги кунда банк тизими ривожланиб борар экан, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ҳисоб-китобларни ўтказиш механизмининг такомиллаштириш талаби этилади.

Сўнгги йилларда республикамиз ҳукумати электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган бир нечта қарорлар қабул қилди. Улар сирасига Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сонли “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорларини киритиш мумкин.

Юртбошимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “...Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида

рўй берган иқтисодий танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.” деб таъкидлаганлар.¹

Шундай экан, банклар фаолияти устидан назоратнинг етарлилиги ва самарадорлиги, мамлакатдаги тўлов тизимини янада такомиллаштириш - иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг назарий асослари хорижлик иқтисодчи олимлар - С.Р.Брю, В.В.Геращенко, Э.Долан, В.Колесников, О.И.Лаврушин, И.В.Ларионова, К.Р.Макконел, Р.Л.Миллер, Г.С.Панова, Д.Полфреман, Э.Рид, П.Роуз, Дж.Синки, В.Усоскин каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари А.Вахабов, Ф.Муллажанов, Ш.Абдуллаева, Н.Жумаев, О.Олимжонов, О.Намозов, Р.Шомуродов, И.Муругова, Т.Қоралиев, К.Наврўзова, З.Холмахмадов, Т.Бобақуловларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, битирув малакавий ишида таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган .

Малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш йўллариини ўрганишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари қуйидагилар:

- тўлов тизимининг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини назарий асосларини ёритиб бериш;
- тўлов тизимининг таркибий тузилиши ва уларнинг тавсифи ёритиш;
- тўлов тизимини такомиллаштириш босқичларини ўрганиш;
- нақд пулли тўлов тизими ҳолатини таҳлил қилиш;

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон 2009, 4 бет.

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини таҳлил қилиш;
- нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни мувофиқлаштириш масалаларини ёритиш;
- банклар фаолиятида тўлов тизими муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллариини ёритиш;
- тўлов тизимини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банк тўлов тизимига таъсири бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Малакавий ишининг объекти - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ДТ Халқ банки Наманган вилоят филиали ҳисобланади.

Ишнинг предмети – тўлов тизими ва уни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва услубий асослари. Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалалари бўйича хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлар илмий ишлари, чоп этилган дарсликларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг илмий ишларидан, мунтазам матбуотда чоп этилган илмий мақолалар ва банкларнинг статистик ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

Малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ишнинг натижалари тўлов тизими ва уни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси банклари фаолиятида, тўлов тизими ва уни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Малакавий иш материалларидан олий ўқув юртлари, коллежларда «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар», ва бошқа банк билан боғлиқ фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш

мумкин.

Малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Малакавий иш таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммони ўрганилгалик даражаси, мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, ишнинг амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Малакавий ишнинг биринчи боби, тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг концептуал жиҳатлари ёритиб берилган.

Малакавий ишнинг иккинчи бобида, нақд пулли тўлов тизими таҳлили нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни мувофиқлаштириш таҳлили ДТ Халқ банки материаллари асосида амалга оширилади.

Ишнинг учинчи бобида бозор иқтисодиёти шароитида тўлов тизими ва уни такомиллаштириш ёритилиб, якунида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I-боб. Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш масалаларининг концептуал асослари

I.1. Тўлов тизимининг моҳияти, аҳамияти, зарурлиги

Республикамизда банк тизими ва унинг фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормокда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони чиқарилиб, унда «Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини такомиллаштириш, унинг кўпроқ аниқ-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиётда тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши» лозимлиги белгилаб берилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши айнан тўлов тизими билан боғлиқдир. Шунинг учун, аввало, тўлов тизими тушунчасини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган компания ва фирмалар фаолият кўрсатиб, улар доимо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки корхона ва ташкилотлар бир-бирлари билан олди-сотти муносабатларини ўрнатадилар, бу муносабатлар ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ҳал қилинади. Бу ҳисоб-китобларни ўтказиш учун маълум бир тизим мавжуд бўлиши лозим. Агар ўзаро ҳисоб-китоб қилаётган фирмага битта банк хизмат кўрсатса, тўловлар жуда тез ва содда схемада ўтказилади, яъни ҳисоб-китоблар бир банкнинг ичида бажарилиб, бир корхона ҳисобварағидан иккинчи корхона ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш орқали бажарилади. Агар ҳисоб-китоб қилаётган фирмалар турли банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда тўловни бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш учун маълум бир тўлов тизимидаи фойдаланишга тўғри келади. Бу тўлов тизими арзон, қулай шу билан бирга хавфсиз ҳам бўлиши лозим. Агар тўлов тизими ривожланган бўлса, ундан фойдаланиш суръати ҳам ошиб боради.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни оловчи учун муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

Тўлов тизимидан банклар ҳам фойдаланадилар. Банклар тўлов тизимидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ операциялар бўйича пул ўтказишда, шу билан бирга мижозларнинг операциялари бўйича пул ўтказишда фойдаланадилар. Қандай шаклда фойдаланишдан қатъий назар тўлов тизими ўз ичига 4 босқични олади.

1-босқич - тўловнинг бошланиши, яъни тўловчи ўз банкига пулни ўтказиб бериш тўғрисида топшириқ беради.

2-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида тўлов ҳужжатларининг алмашиши, кўпинча бу операция клиринг деб юритилади.

3-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида ҳисоб-китоб ўтказиш, яъни тўловчи банки пул ўтказиб бериши лозим. Бундан ташқари, банклар учинчи иштирокчи орқали, унда ўз ҳисобварақларини очиш орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда кўпинча учинчи томон ролини Марказий банк бажаради.

4-босқич – тўловларни қабул билан боғлиқ операцияларни якунлаш. Тўлов тизими турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади.

Масалан, Брюс Саммерс фикрича, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни ушлаб туриш учун пули тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими дейилади.

Бу талқинда асосий ўрин маблағларга берилаяпти, бунинг учун нақд ҳамда нақдсиз пуллардан фойдаланилади. Юқоридаги талқиндан яна шундай хулосага келиш мумкинки, тўлов тизими мажбуриятларни ушлаб туриш

имкониятини беради. Нақдсиз пуллардан фойдаланиладиган тўлов тизимида маълум бир тўлов воситалари ишлатилади, яъни маблағларни ўтказиш учун қоғоз ҳужжатлар ёки электрон ҳужжатлар ишлатилади. Жаҳон банки мутахассисларидан яна бири О.Маргарет тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган. «Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир». Тўлов тизимига яна бир таъриф Россиянинг иқтисодчиси М.П. Берёзина томонидан берилган бўлиб, унга кўра «мамлакатнинг тўлов тизими - бу иқтисодий фаолият натижасида юзага келувчи қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, қонуний бошқарилувчи элементлар йиғиндиси». Бу таъриф мазмунан Брюс Саммерс таърифига яқинроқ эканлигини кўриш мумкин, яъни бу икки таърифда «... юзага келган мажбуриятлар...» деган тушунча ишлатилган. Демак, бу таърифларда товар ва хизматлар қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, шу билан бирга молиявий мажбуриятлар ҳам кўзда тутилган. Молиявий мажбуриятлар давлат бюджети олдидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятларидир деб қарайдиган бўлсак, унда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, банкларнинг давлат бюджетини кассавий ижро этиш операцияларининг бажарилишини тўлов тизими орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Бир қатор таърифларни кўриб, улар тўғрисида мушоҳада юритиш натижасида тўлов тизимига умумий қилиб қуйидаги таърифни берамиз: «Тўлов тизими - иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур ёки механизмдир».

Бизнинг фикримизча, бу механизмни ҳаракатга келтириш учун иштирокчилар, механизм олдида қўйилган ҳуқуқий талаблар, тўлов воситалари ёки қуроли керак бўлади.

Тўлов тизимининг иштирокчилари бўлиб жисмоний шахслар, юридик шахслар, ҳукумат, банклар ва бошқа молиявий институтлар бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар тўлов тизимини бошқариб турувчи Марказий банк билан бевосита алоқада бўлмасаларда улар тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув билвосита бўлади, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварақаларидаги пул маблағларини бошқа банкка ўтказиб бериш бўйича топшириқ берадилар. Бу топшириқни бажариш учун тижорат банклари тўлов тизимига боғланади. Агар ушбу иштирокчилар бўлмаганда эди тижорат банкларининг ўзи тўлов тизимининг тўлақонли иштирокчилари бўлиши мумкин эмас эди.

Шу билан биргаликда ҳукумат ҳамда турли молиявий институтлар ҳам тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув ҳам тижорат банклари орқали бўлади. Чунки уларнинг ҳисобварақаларини тижорат банклари юритадилар.

Демак, ҳозирги кунда республикамиз тўлов тизимининг асосий ва бевосита иштирокчилари тижорат банкларидир. Бу ҳақда батафсил қуйироқда тўхталиб ўтамыз.

Тўлов тизимига механизм сифатида қараб унинг олдида қўйилган бир қатор талабларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;

Иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла тадбиқ этилиши лозим;

Учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

Тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

Бешинчидан, йўқотишлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда унинг яна бир ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов

куролларини кўришимиз мумкин. Тўловни ўтказишни бошлаш айнан тўлов воситаларини танлашдан бошланади. Тўлов воситаларига кредит инструментлари сифатида тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, дебет инструментлари сифатида эса чекларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда магнит, пластик карточкалар ҳам тўлов воситалари сифатида кенг ишлатилмоқда.

Кўпгина чет давлатларда тўлов инструментларини танлашдан аввал бир қатор саволлар ўйлаб кўрилади. Ҳар бир конкрет операция бўйича алоҳида саволлар ечими топилади. Масалан:

1. Бу операция шуернинг ўзида (дўкон, супермаркет) бажариладими ёки операцияни якунлаш учун маълум вақт керак бўладими?
2. Тўлов суммасининг миқдори катта ёки кичикми?
3. Тўлов маҳаллийми, шаҳарлараро ёки халқароми?
4. Бу операция доимийми (1 ой, квартал, йил) ёки бир марталикми?
5. Бу операция муддатлими? Шу куни якунланадими ёки бир неча кундан сўнгми?
6. Ҳар бир конкрет тўлов инструментининг таннархи қандай?
7. Тўлов кафолати қандай?

Бундай саволларни ҳар бир конкрет операция бўйича иштирокчилар ўйлаб, вазиятни таҳлил қилиб ўзларига қулай бўлган вариантни, ўзларига қулай бўлган тўлов инструментини танлайдилар. Бу эса шартномада мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўп йиллар давомида тўлов тизимининг иши Марказий банкнинг актив қизиқиш соҳасига кирмас эди. Унга «кўзга кўринмас» фаолият тури сифатида қаралиб, банк сиёсатининг асосий масалаларига тегишли эмасдек бўлиб ҳисобланарди. Ҳозирги кунда бундай эътибор тубдан ўзгарди. Охирги 15-20 йил ичида кўп давлатлар, асосан бозор иқтисоди ривожланган давлатлар иқтисодиётида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

Биринчидан, банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими оборотининг бекиёс даражада ўсиши. Бу эса, биринчи навбатда бутун дунёда моливий бозор активлигининг ўсишига ва тўловларнинг тезлашувига ёрдам берди.

Иккинчидан, тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтишини таъминловчи техника ва технология тизимидаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши. Тўлов тизимидаги янги технологияларнинг яратилиши ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тўловларнинг бир неча дақиқада бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтказиб бериши учун шароит яратди.

Бу эса, ҳозирги тўлов тизимининг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролининг бекиёс эканлигини кўрсатади. Умумий қилиб айтганда, тўлов тизими иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ҳаётий муҳим элементи, иқтисодиёт самарадорлигига таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни самарали бошқаришни таъминловчи зарурий восита бўлиб ҳисобланади.

Тўлов тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки Марказий банкнинг асосий мақсади мамлакатда пул-кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Марказий банк тўлов тизимида нисбатан унинг ривожланиши ва шу орқали ўз мақсадига эришишни таъминлаш борасида қандай таъсир ўтказиши мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Биринчидан, Марказий банкни тўлов тизимининг фойдаланувчиси сифатида кўриб чиқамиз. Марказий банк пул ўтказиш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятига тегишли бўлган операцияларни ўтказади. Бунга пул-кредит сиёсатини ўтказиш учун расмий очик бозоридаги операциялари, давлат қимматли қоғозлари билан бўладиган расмий операциялари, жумладан янги қимматли қоғозларни чиқариш, эскиларини тўлаш операциялари, чет эл

валюта операциялари бўйича миллий валютада ҳисоб-китобларнинг тўлов тизими орқали ўтказиши мисол бўлади. Бундан ташқари, бошқа барча корхоналар қатори Марказий банк ҳам ўз ишчи хизматчиларига иш ҳақи, турли нафакалар, командировка харажатлари, мукофотлар тўлаши лозим бўлади, бундай тўловлар ҳам аксарият ҳалларда тўлов тизимини четлаб ўтмайди.

Иккинчидан, Марказий банкни тўлов тизимининг иштирокчиси сифатида кўриб чиқамиз. Тўлов тизимининг иштирокчиси сифатида Марказий банкни ўз мижозлари номидан пул ўтказиш ёки тўловни олиш операцияларини бажариш жараёнида кузатишимиз мумкин. Масалан, Марказий банк ҳукумат ёки бошқа ҳудудий Марказий банклар каби ўз мижозларининг операцияларини бажариш жараёнида тўлов тизимининг иштирокчисига айланиши мумкин.

Учинчидан, Марказий банкнинг тўлов хизматларини кўрсатувчи юридик шахс сифатидаги ролини кўришимиз мумкин. Бундай хизматлар тўлов тизими доирасида ишловчи тижорат банклари учун ҳисоб марказларини ташкил қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан белгиланади. Бундан ташқари, тўлов тизими учун ўз маблағлари ёки тижорат банклари, шу билан бирга бошқа тижорат ташкилотларининг маблағларини қўшиш эвазига техник воситалар, программалар, инструкциялар, коммуникациялар билан таъминлаш жараёнида ҳам Марказий банкнинг тўлов тизими орқали тўлов хизматларини бажарувчи ролини кўришимиз мумкин.

Ва ниҳоят тўртинчидан, Марказий банкнинг давлат қизиқишларини ҳимояловчиси сифатидаги ролини кўриб чиқамиз. Марказий банкнинг бу роли анча кенг характерга эга бўлиб, ўз ичига қуйидаги қирраларни олади.

- тўлов тизимини ҳаракатга келтирувчи вазифасини бажаради;
- тўлов тизими қатнашчилари устидан назорат ўрнатади;
- тўлов тизими ишини бошқаради ва режалаштиради;
- даъволар билдирилганда арбитраж функциясини бажаради;

- техник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланади ва ҳоказо.

Санаб ўтилган Марказий банкнинг тўлов тизими билан боғлиқ жиҳатларига яна тўлов тизими орқали ўтадиган кундалик тўловларнинг кафолатланишини таъминлашни ҳам киритиш мумкин. Лекин бу фақат Марказий банкка эмас, бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларининг ҳам ҳолатига боғлиқ.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётини кузатар эканмиз, Марказий банкларнинг тўлов тизимидаги иштироки турлича эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳар хиллик турли давлатларнинг турли иқтисодиё, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлари билан белгиланади. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари тўлов тизимини яратиш ва уни эксплуатация қилиш масалаларига чуқур киришиб кетганлар. Бундай давлатларга Германия, Франция, Италия ва Испанияни киритиш мумкин. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари қонунчилик билан белгилаб қўйилган специфик мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган мувофиқлаштирувчи ролини бажаради. Баъзи давлатлардаги Марказий банклар ўз мижозлари номидан тўловларни бажариш бўйича актив фаолият олиб боришни афзал кўрадилар. Америка Қўшма Штатидаги Марказий банклари ўз фаолиятини кўпроқ тўлов хизматларини тижорат асосида олиб боришга ҳаракат қилади.

Тўлов тизимида Марказий банкларнинг иштироки турлича бўлишига қарамай, уларнинг мақсадлари деярли ўхшаш, хусусан, камроқ харажат қилиб минимал таваккалчилик асосида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи тизимни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими ҳам Марказий банк томонидан ташкил қилиниб, тизимнинг ҳаракати ҳисоб-китоб марказлари орқали амалга оширилади. Республика Марказий банки ҳисоб-китоб маркази фаолиятини мувофиқлаштириб, назорат олиб боради.

1.2. Тўлов тизимининг таркиби

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда ривожланаётган турли мулкчилик шаклларига асосланган товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг мавжудлигидир. Товар муомаласи мавжуд экан, у ўз навбатида корхона ва ташкилотлар ўртасида пулли муносабатларни, яъни ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради.

Товар муомаласи ва товар айирбошлаш жараёни доимо пул ҳаракатини такозо этади. Товар обороти пул оборотининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин пул оборотининг ҳажми товар оборотининг ҳажмидан доимо катта бўлади, чунки пул обороти ўз ичига товар айирбошлашдан ташқари бошқа муносабатларни ҳам олади. Масалан, пулли муносабатлар ва пули ҳисоб-китоблар қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- банк муассасалари, аҳоли ва турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кредит муносабатларида;
- халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштиришда;
- суғурта фондлари, компаниялари билан муносабатларда;
- жамғарма фондлари билан муносабатларда;
- аҳоли группалари ўртасидаги муносабатларда;
- давлат бюджети билан муносабатларда ва ҳоказо.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пул оборотига қуйидагича тавсиф берамиз: «Пул обороти - бу жамиятда содир бўладиган иқтисодий муносабатлардаги пул маблағларининг ҳар хил шакллардаги ҳаракатидир». Пул оборотидан ташқари тўлов обороти деган тушунча ҳам мавжуддир. Тўлов обороти пул оборотига нисбатан чекланган, яъни тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти асосан халқ хўжалигида ўтказиладиган турли тўловлар билан боғлиқ. Шунинг учун тўлов

обороти бу - пулнинг тўлов воситаси функциясини бажарувчи пул оборотидир. Ҳозирги кунда пул функцияларининг классик таърифи ўзгартириб пулнинг муомала ва тўлов воситаси функциялари бирлаштирилиб, пулнинг «тўлов воситаси» функцияси деб юритилмоқда. Шу билан бу иккита функция ўртасидаги чегара олиб ташланиб, пулнинг тўловвоситаси функциясини бажаришда нақдсиз пуллар билан бир қаторда нақд пулларнинг ишлатилиши кўрсатиб берилди. Шундан келиб чиққан, ҳолда тўлов оборотининг тузилиши ҳақида фикр юритиб кўрамиз.

Тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти асосан халқ хўжалигида ўтказиладиган турли тўловлар билан боғлиқ. Шунинг учун тўлов обороти бу - пулнинг тўлов воситаси функциясини бажарувчи пул оборотидир. Ҳозирги кунда пул функцияларининг классик таърифи ўзгартириб пулнинг муомала ва тўлов воситаси функциялари бирлаштирилиб, пулнинг «тўлов воситаси» функцияси деб юритилмоқда. Шу билан бу иккита функция ўртасидаги чегара олиб ташланиб, пулнинг тўловвоситаси функциясини бажаришда нақдсиз пуллар билан бир қаторда нақд пулларнинг ишлатилиши кўрсатиб берилди. Шундан келиб чиққан, ҳолда тўлов оборотининг тузилиши ҳақида фикр юритиб кўрамиз.

1-расм



Манбаа: Наврўзова К. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.: 2005 й.

Тўлов обороти пулли муносабатларда пул формаларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулига кўра иккига бўлинади:

1. Накд пулли тўлов обороти;
2. Накд пулсиз тўлов обороти.

Буни юкорридаги расмдан яққол кўриш мумкин:

Тўлов оборотининг асосий қисми нақд пулсиз тўлов оборотидан ташкил топади. Бу тўлов обороти нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни пул маблағларини нақд пул ишлатмасдан бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали бажарилиши тушунилади.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сари тўлов оборотида нақд пулсиз тўлов оборотининг улуши ортиб боради. Чунки иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар нақдсиз тўлов оборотининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар қуйидагилар:

- а) саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;
- б) товар айланиши ва миллий даромад ҳажмининг ўсиши;
- в) банк кредитининг айирбошлаш жараёнидаги ролининг ортиб бориши;
- г) мулкчилик шакллариининг ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши;
- д) иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳисоб-китоб ишларида электрон тўлов тизимидан кенг қўламда фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда нафақат хўжалик юритувчи субъектлар хаттоки аҳолининг ҳам нақд пулсиз тўлов тизимидаги иштироки ортиб бормоқда. Илгари Халқ банки орқали аҳолига таклиф қилинган нақд пулсиз ҳисоб-китобларининг турли шакллари билан бир қаторда пластик ва магнит карточкалардан фойдаланиш ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, Ташқи

иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан чет эл валютаси ва миллий валютада чиқарилган пластик карточкалар аҳоли ўртасида кенг ишлатилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда Асака банки, Саноат қурилиш банки ҳамда Халқ банки ва бошқа қатор банклар томонидан пластик карточкалар чиқарилиб, аҳолига таклиф қилинмоқда.

Тўлов оборотининг иккинчи қисми нақд пулли тўлов оборотидир. Нақд пулли тўлов обороти деганда товар айирбошлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг нақд пул ёрдамида амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулли тўлов оборотининг ишлатиш кўлами нақд пулсиз тўлов оборотига нисбатан чегараланган.

Нақд пул обороти давлат ва аҳоли, турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар билан аҳоли ҳамда аҳоли группалари ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади.

Масалан, корхона ва ташкилотлар ўз ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи, мукофот, командировка харажатларини тўлайди, нафақахўрлар пенсия, талабалар стипендия оладилар. Бу нақд пуллар савдо дўконларида, бозорларда ишлатилади, шу билан бирга турли молиявий мажбуриятлар ва хизматлар юзасидан тўловлар ўтказилади.

Чет давлатларда нақд пулларнинг ишлатилиши билан банд бўлганларнинг 10 фоиздан камроғи ўз иш ҳақларини нақд пулда оладилар. Англияда ҳам нақд пулда иш ҳақи оладиганлар барча ишловчиларнинг 10 фоизи атрофини ташкил этади. Германия ва Канадада 5 фоизи, АҚШда эса тахминан 1-2 фоизни ташкил этади. Чунки бу давлатларда иш ҳақи пластик, кредит карточкалари ёки чекларга ўтказиб берилади.

Нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўлов обороти қуйидаги ҳолларда юзага келади:

а) аҳоли томонидан давлат, хусусий, қўшма, кооператив чакани ва майда улгуржи савдо ташкилотларидан маҳсулот харид қилиниши;

б) аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деҳқон бозорларида сотиб олиниши;

в) аҳоли томонидан озиқ-овқат ва буюм бозорларида тижоратчилардан, хунармандлардан ва бошқа тадбиркорлардан товарларни сотиб олиниши;

г) турли транспорт турларидан ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари хизматидан фойдаланиш;

д) ишчи-хизматчилар иш ҳақининг тўланиши;

е) стипендия ва турли нафақаларнинг тўланиши;

ж) акциялар бўйича дивидентлар тўланганда;

з) лотереялар бўйича ютуқлар тўланганда;

и) суғурта тўловлари тўланганда;


й) аҳоли томонидан коммунал ва бошқа тўловлар тўланганда;

к) газета ва журналларга обуна бўлиш ёки жорий даврда сотиш олинганда;

л) аҳоли томонидан ер, мулк ва бошқа солиқлар нақд пул ёрдамида тўланганда.

2-расм

Тўлов оборотида пулнинг ҳаракати.



Манбаа: Наврўзова К. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Т.: 2005 й.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, аҳоли томонидан нақд пул ёрдамида турли хил тўловлар тўлаганда нақд пулли тўлов обороти юзага келади. Лекин нақд пул доимо нақдсиз пулга, нақдсиз пул эса нақд пулга айланиб туради. Пулнинг бундай ҳаракатини юқоридаги расмда кўришимиз мумкин.

1. Ҳар бир корхона ўз ишчи-хизматчиларига иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун банкдан нақд пул олади. Банкдаги ҳисобварақда турган нақдсиз пул нақд пулга айланади.

2. Корхона ва ташкилотлар бу пулларни иш ҳақи ва бошқа тўловлар кўринишида аҳолига таркатади.

3.-4.-5. Иш ҳақи, пенсия стипендия, мукофот ва бошқа тўловларни олган аҳолининг турли қатламлари бу пулни ўз эҳтиёжларини қондириш учун бозорда, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маданият ташкилотларида сарфлайдилар, турли тўловлар газ, электр энергияси, телефон, солиқлар, жарималар ва ҳоказо тўловларни тўлайдилар. Деҳқонлар, хунармандлар ҳам ўзлари меҳнат қилиб топган пулларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида сарфлайдилар.

6. Аҳолининг турли қатламларидан келиб тушган нақд пуллар дўкон ва нақд пул билан ишлайдиган бошқа ташкилотлар томонидан банка топширилиши лозим. Чунки ҳар бир корхона ва ташкилотга ўз оборот кассасида нақд пулни ушлаб туриш учун лимит ўрнатилади. Ушбу лимитдан ортиқча қисми албатта банкка топширилиши шарт қилиб белгиланган. Бу ҳолда ҳам биз нақд пулнинг нақдсиз пулга айланганини кўрамиз, яъни банк кассасига топширилган нақд пуллар нақд пулни топширган корхонанинг ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

Шундай қилиб, биз тўлов оборотининг нақд ва нақдсиз шаклларини ва уни ишлатиш доираларини кўриб чиқдик.

Тўлов оборотининг бошқа хусусиятларига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Тўлов обороти ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида

содир бўладиган ҳар хил муносабатларни ўзида акс эттиришга кўра 2 га бўлинади:

Биринчидан, товарларни сотиш жараёнидаги капитал кўринишдаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи тўлов обороти. Бундай тўлов обороти, бошқача қилиб айтганда, товарли ёки товар операциялари бўйича тўлов обороти дейилади. Бунда тўловлар нақд пул кўринишда ҳам, нақдсиз пул кўринишда ҳам амалга оширилади. Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги товар айирбошлаш ва қурилиш-монтаж ишлари жараёнидаги пулли ҳисоб-китоблар асосан нақдсиз пул кўчириш асосида бажарилади. Аҳоли группалари ўртасида корхона ва аҳоли ўртасидаги товар айирбошлашда нақд пул иштирок этиб, нақд пулли тўлов обороти юзага келади. Иккинчидан, товар характериға эға бўлмаган пулли ҳисоб-китобларни амалға ошириш жараёнида содир бўладиган тўлов обороти. Бундай тўлов обороти товарсиз операцияларда юзага келадиган тўлов обороти ёки молиявий мажбуриятлар бўйича юзага келадиган тўлов обороти бўлиб ҳисобланади. Бу тўлов обороти ҳам нақд пул кўриниши билан биргаликда наводсиз пул кўринишида бўлиши мумкин. Корхона ва ташкилотлар банк кредитини қайтарганларида, кредит учун фоиз тўлаганларида корхона фаолиятини суғурталаш билан боғлиқ тўловларда, солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларға турли тушумлар тўлаганларида нақд пулсиз тўлов обороти юзага келади. Аҳолининг турли бадаллари ва солиқларнинг иш ҳақидан олиб қолиб, керакли ташкилотларға ўтказилиши ҳам нақдсиз тўлов оборотига мисол бўлади. Республика ва маҳаллий бюджетға нақд пул ёрдамида солиқларнинг тўланиши эса нақд пулли тўлов оборотини вужудға келтиради.

Тўлов оборотини яна иштирокчилар ва иштирокчиларнинг жойлашувига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Тўлов оборотининг иштирокчилари бўлиб марказий ва тижорат банклари, турли мулкчилик шаклиға тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар, аҳолининг турли қатламлари ҳисобланади. Мана шу иштирокчилар бир-бири билан турли

операциялар бўйича муносабатда бўлади. Бу муносабат жараёнида улар бир шаҳар ичида ёки турли шаҳарларда жойлашган бўлиши мумкин. Агар тўлов оборотида қатнашган иштирокчилар битта шаҳар ичида жойлашган бўлса, бу оборот бир шаҳар ичидаги тўлов обороти дейилади. Агар иштирокчилар турли шаҳарларда, масалан, бири Андижонда, иккинчиси Самарқандда бўлса бундай тўлов обороти шаҳарлараро тўлов обороти дейилади. Лекин ҳозирги даврда тўлов обороти электрон тўлов тизими орқали жуда тез содир этилмоқда. Шу сабабли тўлов оборотини бундай бўлиш, бизнинг фикримизча, қандайдир чегарада ўз кучини йўқотмоқда. Умуман, тўлов обороти маълум тўлов тизими орқали содир этилади, яъни тўловларни ўтказиш орқали ҳар бир давлатда нақд ва нақдсиз пуллар бошқариб борилади. Бизнинг давлатимизда тўлов тизими 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шаклланиб борган бўлиб, асосан нақд пулсиз ўтказмалар мана шу тизим орқали олиб борилади. Бу тизим электрон тўлов тизими бўлиб тўлов обороти билан ҳамбарчас боғлиқдир.

1.3. Тўлов тизимини такомиллаштириш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифоқ иқтисодиёти «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди. Банклараро ҳисоб-китоблар давлат банкида очилган марказлашган тартибдаги вакиллик ҳисобварағи орқали олиб борилган. Банк муассасалари ўз филиаллари билан 1933 йилда киритилган МФО (филиаллараро оборотлар) бўйича ички ҳисоб-китобларни олиб борганлар. Шунга мувофиқ банк ходимларининг асосий эътибори филиаллараро ҳисоб-китобларга қаратилган эди. Бундай ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни амалга ошириш учун банкнинг маблағи бўлмаса ҳам чекланишлар йўқ эди. Филиаллараро ҳисоб-китоблар йил охирида

марказда якунланарди. Йил давомида эса филиаллараро оборотлар юритиладиган ҳисобварақлар орқали пул ўтказиш операциялари почта ёки телеграф авизолари орқали амалга оширилар эди. Кредит ресурслари марказдан ҳисобга олиниб, режалаштириб бориларди.

1991 йилдан бошлаб бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблари қалбаки авизолар ҳисобига бузилди ва тўлов тизими издан чиқди.

Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа кўзлангандек бажарилди. Ҳозирги вақтда яратилган электрон тўлов тизимига мувофиқ, тўлов ҳужжатларини республика миқёсида 15-20 дақиқада, вилоят ичида 3-5 дақиқада амалга ошириладиган бўлди.

Марказий банк маълумотларига қараганда, янги тизим кунига 60 миллиард сўмлик 60 мингта ҳужжат айланиш имконини беради. Бу тўлов тизими бундан беш баробар ҳажмдаги операцияларни амалга оширишга қурби етади.

Лекин бундай муваффақиятга етгунга қадар миллий тўлов тизими бир неча босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан 1991-92 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни

банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси банклараро тўловлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро танлов-тендер эълон қилинди.

1995 йил апрел ойидан бошлаб тўлов тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1998 йилгача давом этди. Ушбу босқичда тўлов тизими ўз олдига қўйган вазифани уддалади дейиш мумкин. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди. 1997-98 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди.

1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача миллий тўлов тизимини такомиллаштиришнинг III босқичи амалга оширилди. 2002 йилдан республика тўлов тизимини такомиллаштиришнинг IV босқичи бошланди. Бу даврда тўлов тизимини такомиллаштириш ва бошқарув учун ахборот тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича танланган технология ҳамда ишлаб чиқилган техник топшириқ бўйича банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш бўйича яратилаётган дастурларни ишлашга тайёрлигини текшириш мақсадида 2002 йилнинг 27 апрел куни синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, ягона вакиллик ҳисобварағи орқали реал вақтда амалга ошираётган банкларни ўзаро узлуксиз ишлашни таъминлайдиган дастур ишга туширилди. Янги тизимга

барча тижорат банклари бир йўла ўтказилмади. Аввал бир қатор банклар ушбу тизим бўйича ишлаб синаб кўрилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали ишлашга АТ Саноатқурилишбанки 2002 йилнинг 15 июлида, АТ Тадбиркорбанки 20 июлида, ДАТ Асака банки 21 октябрда ўтказилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябрь ойида нихояга етказилди. Янги тизимга ўтишни ДТ Халқ банки ҳамда Алп Жамол хусусий банки яқунлади. Натижада қуйидаги натижаларга эришилди:

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисмини бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;

- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;

- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;

- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;

- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлиги аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг ҳозирги даражага етишида бир неча омиллар хизмат қилган. Бу омиллар қуйидагилардир:

1. Бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос келувчи Банк Депозиторлари Миллий Ахборот Базаси ташкил этилди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида солиқдан озодэтилган маблағлар ҳисобига банк тизими тўлиқ компьютерлаштирилди.

3. Банклар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Фидо-Бизнес» фирмаси томонидан яратилган дастурий таъминоти билан тўлиқ таъминланди ва имконияти етадиган банкларга, жумладан, Миллий банк,

Асака банк, DAEWOO банк ва ABN-AMRO банкларга дастурий таъминот яратишга доир техник талаблар қўйилди.

Тўловларнинг электрон усулда амалга оширилиши ҳам мижоз учун тез амалга ошириш қуввати жиҳатидан жуда ҳам қулай, ҳам банк учун харажат камлиги учун жуда фойдалидир. Шунинг учун Ўзбекистонда яратилган электрон тўловлар тизими миллий тўлов тизимининг асоси бўлиб, уни ривожлантириш умуммиллий аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда, республикада тўлов тизимини мукаммаллаштириш, тўлов воситаларини ривожлантириш ва мижозларга қулай бўлган тўлиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган. «Электрон ҳамён» сифатида машҳур бўлган пластик карточкалар тўловларнинг барча туридан ҳам энг қулай тўлов воситаси сифатида тан олинган. Шунинг учун республикада бир қатор йирик банклар пластик карточкалар бозорини шакллантиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Пластик карточкалар бозорини ривожлантиришда бир қанча банкоматлар ўрнатилиши, миллий валюта барқарорлиги ва мустақкам муҳофаза тизими каби мураккаб ишлар амалга оширилгандан кейингина маълум ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикада «Банк-Мижоз» тизими амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда. Бу тизимда банк мижозлари тўғридан-тўғри офис ёки уйдан туриб тўловларни амалга оширилиши кўзланган. Банк хизматининг бу Янги кўриниши пул-маблағларининг бошқарилишини фаоллаштириш билан бирга банк мижозлари сонининг ошишига, банк ва мижоз ўртасидаги молиявий фаолиятни янада ривожлантиришга олиб келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган электрон усулда тўловларни амалга оширадиган миллий тўлов тизими яратилди.

II-боб. Тижорат банкларида тўлов тизими таркибининг таҳлили

II.1. Нақд пулли тўлов тизими таҳлили

Нақд пулсиз пул обороти бутун пул оборотининг 80-90%ини ташкил этади. Нақд пулсиз пул обороти асосан корхона ва ташкилотлар, улар билан солиқ назорати, суғурта, пенсия ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб китобларида ўз аксини топади. Аҳоли ва турли корхона ва ташкилотлар, аҳоли гуруҳлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар нақд пул ёрдамида амалга оширилади. Масалан, аҳолига иш ҳақи, нафақа, мукофот, гонорар, хизмат сафари харажатлари тўлашда ва, аксинча, аҳоли томонидан савдо ташкилотлари, маиший хизмат, маданий оқартув ташкилотлари, дехқон бозори, озиқ-овқат ва кийим-кечак бозорида аҳоли гуруҳлари ўртасидаги алоқаларда нақд пул иштирок этади.

Биз «Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар» бобида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмуни, уларни ташкил этиш қонун-қоидалари, бу операцияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштиришни кўриб чиққан эдик. «Касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш» мавзусида касса ишларининг тижорат банкларида ташкил этилиши, кассанинг кирим ва чиқим операциялари, уларни ҳисобга олишини кўриб чиқамиз.

Ҳар бир тижорат банкида корхона ва ташкилотларга касса хизматини кўрсатиш учун бир қанча кассалар ташкил этилади, яъни банк муассасаси ўз таркибида таркибий бўлинма-касса операциялари бўлимига эга. Касса операциялари бўлимида бажариладиган кирим ва чиқим касса операциялари «Ўзбекистон республикаси банк муассасаларида эмиссия-касса иши, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир» Марказий банкнинг 23-сонли йўриқномаси асосида ташкил этилади.

Пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида қуйидаги кассалар ташкил этилади. Кирим

кассаси, чиқим кассаси, кирим-чиқим кассаси, майдалаб бериш кассаси, катъий ҳисобда турадиган бланкаларни бериш кассаси, кечки кассалар ташкил этилади. Кўрсатиб ўтилган кассалар касса операциялари ҳажми ва касса ходимларининг белгиланган штатидан келиб чиққан ҳолда банк муассасаси фармойишига биноан ташкил этилади. Йирик банк муассасаларида касса операциялари бўлимини бойликлар билан ишлашдан озод этилган ходим, яъни касса операциялари бўлимининг бошлиғи бошқариши лозим. У касса аппарати иши устидан назорат ўрнатади ва унинг ишига раҳбарлик қилади ҳамда касса ишини тўғри ташкил қилиш, банк муассасасидаги барча бойликларнинг ишончли ва тўлиқ сақланиш учун раҳбар билан тенг даражада жавоб беради.

Умуман, банкларда кассанинг кирим ва чиқим операцияларини ташкил қилиш учун янги ҳисобварақлар режасининг «Активлар бўлимида бир нечта ҳисобварақлар очилган. Илгари касса операциялари I тартибли 03 ҳисобварақда олиб олиб борилад эди. 03 ҳисобварағи ўз ичига бир нечта иккинчи тартибли ҳисобварақларни олар эди.

030 - Марказий банк кассаси

031 - Тижорат банк кассаси

032 – Йўлдаги пуллар

Ҳозирги янги ҳисобварақлар режасида «нақд пуллар ва касса хужжатлари» 10100 асосий ҳисобварағида касса операцияларининг ҳисоби олиб борилади. Бу асосий ҳисобварақ бўйича бир нечта ёрдамчи ҳисобварақ - субсчет очилган:

10101 - кассадаги пуллар; 10109-пулдаги нақд пуллар. Ҳар иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан активдир, уларда қолдиқ ва маблағларнинг кўпайиши дебет томонида, маблағларнинг камайиши эса ҳисобварақнинг кредит томонида акс эттирилади.

Кирим касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш. Нақд пулни операция куни мобайнида қабул қилиш учун

банк муассасаларида кирим кассалари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлардан тушадиган нақд пул тушумини, турли нақд пул кўринишидаги бадаллар, фуқароларнинг нақд пул омонатлари, иш ҳақиға олинган пул маблағларининг тарқатилмай қолган қисми каби тўловларни нақд пул кўринишида банк касса ходими томонидан қабул қилинишига кассанинг кирим операциялари деб айтилади. Банк томонидан нақд пул қўйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

а) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан 0402001 шаклдаги бадалнома (объявление)лар бўйича квитанциялар бериш билан, фуқаролар омонатга пул қўйганларида омонат дафтарчасига шу тўғрида ёзиб қўйилади, дафтарча кўрсатилмаган тақдирда пул қўювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади;

б) Транспорт корхоналари ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги нақд пул бадалномалари бўйича 0402003 шаклдаги квитанция бериш билан;

в) Хайрия фондларига ўтказилувчи нақд пулли бадаллар 0402001 шаклдаги бадалномалар (объявление) бўйича 0402004 шаклдаги квитанциялар бериш билан 0402001 шаклдаги бадалномалар масъул ижрочининг имзосидан ташқари назоратчининг имзоси бўлиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарга қайд этилиши лозим;

г) Бошқа барча тушумлар 0482005 шаклдаги кирим касса ордерлар бўйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериш орқали қабул қилинади.

Энди кирим касса операцияларини бажариш тартиби ҳақида батафсил танишиб чиқамиз. Кирим касса операцияларини бажаришдаги асосий ҳужжат бу бадалнома, яъни пул топширганлик ҳақидаги эълондир. Пул топширишдан аввал мижоз томонидан Ушбу бадалнома расмийлаштирилади. Бадалноманинг ўзи 3 қисмдан иборат:

1. Бадалноманинг ўзи.
2. Ордер.

3. Квитанция.

Хужжатнинг учала қисмида ҳам бир хил кўрсаткичлар тўлдирилиши шарт. Яъни хужжат расмийлаштирилган сана, миждоз корхона номи, унинг ҳисоб-китоб, яъни талаб қилиб олиндиған депозитлар ҳисобварағи номери, операция мазмуни, яъни нима мақсадда пул топшириладиётганлиги, пул топшириладиётган шахснинг фамилияси, исми пул суммаси тўлиқ кўрсатилиши ва имзо қўйиш керак. Бадалноманинг номерини эса уни қабул қилаётган масъул банк ходими банкка келиб тушаётган бадалномаларни қайд этиш тартибиди белгилайди. Бадалномани қабул қилиш банкда асосан назоратчига юклатилади. Баъзи банкларда, уларнинг ички тартибидан келиб чиққан ҳолда бу вазифа шу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи томонидан ёки бош бухгалтер ёрдамчиси томонидан бажарилади.

Хужжатни қабул қилиб олган банк ходими, уни учала қисмининг бир хил, тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини текшириб чиқади, агар операция ўтказиш мумкин деб топса, хужжатнинг барча қисмларига ўз имзосини қўйиб, ушбу хужжатни кассанинг кириш журналига қайд этади. Кириш касса журнали банкда юритиладиған синтетик ҳисоб юритиш хужжати бўлиб ҳисобланади, ҳар бир миждоздан қабул қилинган бадалнома кетма-кет тартибда қайд этиб борилади. Кассанинг кириш журналида уни расмийлаштириладиётган сана, бадалнома номери, пул топширган корхонанинг ҳисобварағи номери, топширилиши лозим бўлган пул суммаси ва нима мақсадда пул топшириладиётганлиги, яъни ҳисобот симболи кўрсатилади. Шундан сўнг қабул қилиб олинган бадалномалар кассанинг кириш журнали билан биргаликда ички тартибда касса бўлимига узатилиди. Пул қабул қилиш учун банкда кириш кассалари бўлиб, хужжатлар айнан шу касса кассирига берилади. Кириш касса кассири пул топширувчи миждозни чақириб, ундан пул қабул қилиб олади. Қабул қилиб олинган пул кассир томонидан қайта санаб чиқилади.

Кассирнинг столи устида пул қўювчидан қабул қилиб олинаётган

пулдан бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак. Кассир илгари қабул қилиб олган барча пуллар стол тортмасида металл шкафларда ёки сейфларда сақланиши лозим. Кириш касса кассирининг столи шундай жиҳозланган бўлиши керакки, унга миқдорга пулнинг қайда сақланаётганлигини кузатиб туришга имкон бўлиши керак. Пулни қабул қилиб олгандан кейин кассир квитанция ва кириш касса ҳужжатларида ордер, бадалнома, кириш, касса журнали. Кўрсатилган суммани саналганда чиққан сумма билан қиёслайди. Улар бир-бирига мос келса, кассир квитанцияга бадалномага ва унга тегишли бўлган ордерга имзо қўяди, квитанцияга банк муҳрини босиб пул топширган шахсга қайтариб беради. Бу квитанция миқдорга ундан пулни қабул қилиб олганлик ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бадалномаларни ўзида олиб қолиб, бадалномага тегишли бўлган ордерни кассанинг кириш журнали билан биргаликда яна банк назоратчисига қайтаради. Лекин, баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, миқдор топширган пул суммаси кириш касса ҳужжатларида кўрсатилган сумма билан тўғри келмаслиги мумкин. Топширувчи берган нақд пул суммаси билан кириш касса ҳужжатида кўрсатилган сумма ўзаро мос келмаса, топширувчига ҳужжатни қайта расмийлаштириб келиш таклиф этилади. Кассир дастлабки ҳужжатнинг устидан чизик тортади ва шу ҳужжат квитанциясининг орқа томонига амалда қабул қилиб олинган пул суммасини ёзиб , квитанцияга имзо чекади. Бадалнома, ордер ва квитанция операция ходими ёки банк назоратчисига берилади, касса журналарида дастлаб ёзилган суммани ўчириб, бадалнинг янги суммасини ёзиб қўяди, шундан сўнг, янгидан олинган ҳужжатларни расмийлаштириб, яна кассага жўнатади. Квитанциялар 23-йуриқноманинг 47-бандида кўрсатилган тартибда сақланади.

Агар миқдор банк кассасига пул топширмаган бўлса, кассир бунинг сабабини аниқлаш учун кириш ҳужжатларни квитанциялар билан бирга операция ходимларига қайтаради. Аниқлангандан кейин квитанцияларда қандай сабабларга кўра пул топширилмагани кўрсатилиб, банк муассасаси

раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади. Бундай ҳолларда касса дафтарларидаги ёзувлар ўчирилади, кирим ҳужжатлари йўқ қилинади.

-расм

Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши



1. Мижоз назоратчига пул топширганлик ҳақида бадалномани топширади.
2. Назоратчи бадалномани текширгандан сўнг уни кирим касса журналида қайд қилади ва кассирга топширади.
3. Мижоз кассирга нақд пул топширади.
4. Кассир ҳам ҳар икки ҳужжатни текшириб, уларда кўрсатилган суммани мижоздан олган пул миқдори билан солиштиради ва квитанцияни мижозга қайтаради.
5. Барча ҳужжатлар банкнинг ҳисоб марказига топширилади, банкнинг кирим касса операциялари бўйича ҳисоблаш марказида бухгалтерия ёзувлари бажарилади.

Кассанинг чиқим операциялари, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши. Тижорат банкларининг чиқим касса операциялари деб, банк кассаларидан нақд пулнинг берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ишчи ходимлари учун иш ҳақи, пенсия, стипендия, бошқа нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари харажатлари учун нақд пул олиши мумкин.

Йилнинг ҳар чораги учун корхона ва ташкилотлар касса режасини тузиб банка топширадилар. Касса режасида нақд пулнинг тушуми бўйича алоҳида моддалар, нақд пулнинг харажати бўйича алоҳида моддалар кўрсатилган. Шу билан бирга иш ҳақи олиш бўйича иш ҳақи олиш кунлари

белгиланади. Корхона ва ташкилотлар бир ойда бир ёки икки марта иш ҳақи оладилар.

Корхона ва ташкилотлардан олинган касса режалари асосида ҳар бир банк касса прогнозини тузади. Ҳар кунги касса операцияларини олиб бориш учун қанча нақд пул зарурлиги, қанча нақд пул банк тушумлари ҳисобидан амалга оширилиши касса прогнозлари асосида ҳисоблаб борилади.


Корхона ва ташкилотлар банкдан юкорида санаб ўтилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим. Лекин бундан аввал корхонага янги ҳисобварақ очилаётган пайтда банкка пул чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварақ номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана кўрсатилади. Аризага корхона раҳбари ва бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр қўйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул чек дафтарчаси ёзиб, ҳар бир варақда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номерини кўрсатади ва миқдорга беради. Чек дафтарчасининг чеклари банкдан нақд пул олиш учун асос бўлади. Иш ҳақи олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб миқдор томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи, энг аввало, шу ташкилотнинг ҳисобрақамида етарли пул миқдори борлигини текшириб, шундан сўнггина чекнинг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини, иккита имзо ва муҳрнинг имзолар ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. Ҳаммаси тўғри бўлса, чекнинг бурчагидаги назорат маркасини қирқиб олиб паспорт билан бирга миқдорга қайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув ўтказиб, сўнг реквизитларни кассанинг чиқим журнаliga қайд қилади. Чиқим журналича сана, ҳисобварақ номери, чек суммаси, ҳисобот симболи, корреспонденция ҳисобварағи номери кўрсатилади.

Назоратчи чиқим журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир миждонни чақириб унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси номери чек номери билан тўғри келса, чекдаги паспорт кўрсаткичлари паспорт билан тўғри келса, кассир чекда кўрсатилган суммани миждонга санаб беради.

Кассанинг чиқим операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши қуйидаги кўринишда бўлади:

-расм

Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар



1. Мижоз пул чекини расмийлаштириб масъул ижрочига паспорт билан бирга топширади.

2-3. Масъул ижрочи чекни назоратдан ўтказгандан сўнг назорат маркасини миждонга, чекни эса назоратчига беради.

4. Назоратчи чекни яна бир бор текшириб, уни чиқим касса журналида қайд этади ва кассирга узатади.

5. Мижоз кассирга паспорт ва назорат маркасини топширади.

6. Кассир миждонга чекда кўрсатилган миқдорда пул санаб беради.

Кун охирида назоратчи ва кассир бажарган операциялар бўйича ҳужжатларни ўзаро солиштириб банкнинг ҳисоб марказига топширадилар. Ҳисоб марказидан ҳужжатлар асосида миждонларнинг шахсий ҳисобварақлари чиқариб берилади. Бу операциялар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дebet - 20200 Корхоналарнинг талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварағи

Кредит - 10101 Банк кассаси

Шахсий ҳисобварақдан кўчирма мижозга топширилади, шахсий ҳисобварақ банкда алоҳида папкаларга тикилади.

Банкларда нақд пул тушумига эга бўлган мижозларга касса тушуми прогнози ўрнатилади ва мижозлар уни белгиланган тартибда бажарадилар. Мисол тариқасида, Давлат тижорат Халқ Банки Учқўрғон тумани филиалига карашли хўжалик юритувчи субъектлардан бир нечтасини фаолияти билан танишиб, тушум прогнози бажарилишини таҳлил қиламиз.

-жадвал

Банкда умумий овқатланиш корхоналарига ўрнатилган тушум прогнози ва унинг бажарилиши таҳлили (2010 йил)

т/р	Умумий овқатланиш корхонаси номи	Январь-Октябрь ойлари				Декабр			
		ўрнатилган тушум прогнози	ҳақиқатда бажарилиши	Фарқи (+;-)	бажарилиши % да	ўрнатилган тушум прогнози	ҳақиқатда бажарилиши	фарқи (+;-)	бажарилиши % да
1	Азимжон Асил файз	42500	35310	-7190	83	4500	2566	-1934	57
2	Гулбаданбегим х.к	58500	53894	-4606	92	6500	1825	-4675	28
3	Ибн Сино	28000	15424	-12576	55	3000	965	-2035	32
Жами		129000	104628	-24372	230	14000	5356	-8644	117

Манбаа: ДТ Халқ банки Учқўрғон филиали ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Банкка жами 3 та умумий овқатланиш корхонаси бириктирилган бўлиб, уларнинг фаолияти қуйидагича:

“Азимжон Асил Файз” умумий овқатланиш корхонаси учун январь ойида 42 500 сўм тушум прогнози ўрнатилган бўлиб, бу режани корхона томонидан бажарилиши ҳақиқатда 83 % ни ташкил этган. 2010 йил декабрь ойига келиб эса бу ошхона касса тушумини 57 % гагина бажарган, холос.

“Гулбаданбегим” хусусий корхонаси учун эса 2010 йил январь ойи учун 58 500 сўмлик тушум прогнози ўрнатилган. Корхона 53 894 сўм нақд пул тушуми топширган, демак, бундан келиб чиқадики, касса режаси 92 % га бажарилган. Декабрь ойига келиб эса хўжалик субъекти касса режасини 28 % га бажарган.

“Ибн Сино” умумий овқатланиш корхонасига январь ойида 28000 сўмлик прагноз ўрнатилган бўлиб “Ибн Сино” бу режани 15424 сўм миқдордаги суммасини бажарган, яъни бу умумий режанинг 55% ини ташкил этади. Декабрь ойига келиб бу кўрсаткич 32% га тушиб кетган.

Юқоридаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини умумий ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, “Гулбаданбегим” хусусий корхонаси январь ойида режани яхши бажарган. Декабрь ойига келиб эса, аҳвол ёмонлашган.

“Азимжон Асил Файз” умумий овқатланиш корхонаси эса меъёрида ишламоқда.

“Ибн Сино” овқатланиш корхонаси ўз фаолиятини яхшироқ йўлга қўйиб, бунинг учун кўпроқ миждозларни жалб қилиш чора-тадбирларини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари филиалнинг бошқа миждозларни фаолияти билан ҳам танишсак:

-жадвал

Банкда нақд пул тушумига эга миждозларга ўрнатилган тушум прогнози ва унинг бажарилиши таҳлили (2010 йил)

т/р	Хўжалик субъекти номи	Фаолият тури (савдо, умумовқат, автоуошма, пуллик хизмат ва х.к)	Январ-октябр ойилари			
			ўрнатилган тушум прогнози	ҳақиқатда тушум	фарқи (+;-)	Бажарилиши (%) да
1	Омухта Ем	ем савдоси	900000	534376	-365624	59,4
2	Х.Д.У	ун ёғ савдоси	1225000	1075440	-149560	87,8
3	Отабек-Эъзога Х-к	ун ёғ савдоси	107000	88147	-18853	82,4

4	Элмурод Шохсанам Шохиста	ун ёғ савдоси	79500	84536	5036	106,3
5	Гайбуллаева Олияхон х ф	ун ёғ савдоси	143000	143557	557	100,4
6	Водий КУН МЧЖ	Савдо	63000	53688	-9312	85,2
7	Хондамир схф	ун ёғ савдоси	131200	102364	-28836	78,0
8	Отамирзаев Бобурмирзо х ф	ун ёғ савдоси	177000	128162	-48838	72,4
9	Мунзира Жовохир Мохинур х ф	ун ёғ савдоси	107000	101752	-5248	95,1
10	Жамшид Азизбек сичф	ун ёғ савдоси	133000	138492	5492	104,1
11	Султонжура ота х ф	ун ёғ савдоси	125500	84700	-40800	67,5
12	Самиха Сумайа Сабиha	АЁҚШ	430000	186958	-243042	43,5
13	Эталон АЁҚШ	АЁҚШ	430000	232172	-197828	54,0
14	Улуғ Нур Фарм	Дорихона	150000	156924	6924	61,3

Манбаа: ДТ Халқ банки Учқўрғон филиали ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Ем савдоси билан шуғулланувчи “Омухта ем” ташкилоти учун 900 000 сўмлик пргноз ўрнатилган бўлиб, миқдор уни 59,4 % га, яъни 534 376 сўмга бажарган.

Ун-ёғ савдоси билан шуғулланувчи субъектлардан “Отабек Эъзоа” хусусий корхонасини оладиган бўлсак, бу корхонага 107 000 сўмлик касса прогнози ўрнатилган. Корхона касса режасини 82,4 % га бажарган, яъни 88 147 сўм нақд пул топширган.

Филиал миқдорларидан бири бўлган “Эталон” АЁҚШ фаолиятига назар солсак, бу субъект ўз мажбуриятининг 54,0 % ини бажарган, яъни 430 000 сўм миқдордаги прогноз ўрнатилган бўлиб, бу суммани 232 172 сўмдаги миқдори бажарилган.

Давлат тижорат Халқ Банки миқдори орасида касса тушуми прогнозини ҳатто ортиғи билан бажарган миқдорлардан бири бу – “Улуғ Нур Фарм” дорихонаси бўлиб, дорихона учун 150 000 сўмлик касса прогнози ўрнатилган. Миқдор бу режани 104,6 % га, яъни 4,6 % га ортириб бажарган.

Бундан ташқари, банкнинг бир қанча қисмини хусусий тадбиркорлар ташкил этиб, улардан бири хусусий тадбиркор Абдурахимов Раҳмонжон

савдо фаолияти билан шуғулланади. Бу хўжалик юритувчи субъекти 42 000 сўмлик касса прогнози режа мажбуриятини 103,8 % га ортиғи билан бажарган.

жадвал

Банкнинг кунлик касса айланмаси ҳисобварақлари динамикаси
(2011 йил 17 май ҳолатига)

т/р	Киримлар	Минг сўмда
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар савдо тушумлари	519
2	Алкоголли ичимликларни сотишдан тушумлар	625
3	Нефть маҳсулотлари (бензин ва дизел ёкилги)ни сотишдан тушумлар	7 406
4	Бошқа истеъмол товарларини сотишдан тушумлар	7 273
5	Маҳаллий транспортдан тушумлар	342
6	Уяли алоқа телефонлари бўйича курсатилган хизматлардан тушумлар	1 252
7	Оддий телефонлар бўйича курсатилган хизматлардан тушумлар	162
8	Электр энергияси учун туловлардан тушумлар	5 358
9	Фойдаланилган табиий газ учун туловлардан тушумлар	10 804
10	Лотерея билетлари ва бошқа пул-буюм ютукли уйинлардан тушумлар	25
11	Соликлар, йигимлар, бож ва бошқа мажбурий туловлардан тушумлар	2 902
12	Кишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлардан тушумлар	65
13	Муқобил харбий хизматни уташ, мактаб ва укув юртларида уқиш учун туловлардан ту	2 390
14	Омонат ҳисоб рақамларига (кредит олишда топширилган бадалдан ташқари) топширилг	6 298
15	Хўжалик субъектлари устав капиталини шакллантириш учун топширилган пуллар	352
16	Бошқа тушумлар	28 800
17	ТБ 10103-кассасидан келтирилиб (утказилиб), 10101-айланма кассасига кирим килин	160
18	МБ ХККМдан келтирилиб, ТБнинг 10101-айланма кассасига кирим килинган пуллар	70 000
	ЖАМИ	144 733

Манбаа: ДТ Халқ банки Учқўрғон филиали ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Энди кунлик касса тушумлари таркиби таҳлилини кўриб чиқамиз.

Кунлик касса тушумининг жами 2011 йилнинг 17 май ҳолатига 161 806,0 минг сўмни ташкил этади. Жами кунлик тушумнинг энг асосий миқдорини фойдаланилган табиий газ учун тўловлардан тушган тушумлар ташкил қилиб, бу 10 804,0 минг сўмга тенг. Бошқа тушумлар 28 800,0 минг сўмни ташкил қилади.

Тижорат банкининг 10 101-айланма кассасига кирим қилинган пуллар 70 000,0 сўм миқдордаги маблағни ташкил этган. Бу нақд пул тушумларининг энг кам миқдорини, яъни 0,02 % ини лоторея ва бошқа пул-буюм ютуқли ўйинларидан тушган тушумлар ташкил этади.

Хўжалик юритувчи субъектлари устав капиталини шакллантириш учун топширилган пуллар – 352 000 сўм;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг савдо тушумлари 519 000 сўмни ташкил этади;

нефть маҳсулотлари (бензин ва дизель ёқилғи) ни сотишдан тушган тушумлар 7 406,0 минг сўмни ташкил этиб, бу умумий тушумнинг 5 % ини ташкил қилади;

маҳаллий транспортлардан тушумлар 342,0 минг сўм бўлиб, бу 0,2 % ни ташкил қилади;

муқобил ҳарбий хизматни ўташ, мактаб ва ўқув юртларида ўқиш учун тўловлардан тушган тушумлар 2 390,0 минг сўм бўлиб, бу умумий сумманинг 1,5 % ини ташкил қилади.

-жадвал

Банкнинг кунлик касса айланмаси ҳисобварақлари динамикаси
(2011 йил 17 май ҳолатига)

т/р	Чиқимлар	Минг сўмда
1	Бошқа хўжалик субъектларига иш хаки ва унга тенглаштирилган туловларга берилган	4 776
2	Нақд пул тушумларига эга булган юридик шахсларга берилган пуллар	2 900
3	Халк банки филиаллари оркали нафакаларни таркатиш учун	52 291

	берилган пуллар	
4	Хужалик ҳисобидаги корхоналарга пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий туловлар учун	90
5	Банк пластик карточкасига бошқа мақсадлар учун келиб тушган маблағлар ҳисобидан	92
6	Бошқа мақсадлар учун берилган пуллар	349
7	Нақд пулларни топшириш ҳисобига шаклланган омонатларга берилган пуллар	2 763
8	Почта алоқаси корхоналарига пенсия туловлари учун берилган мадад пуллари	81 000
9	ТБ 10103-кассасига жунатиш (утказиш) учун 10101-айланма кассасидан чиқим	160
	ЖАМИ	144 421

Манбаа: ДТ Халқ банки Учқўрғон филиали ҳисоботлари асосида тайёрланди.

2011 йил 17 май ҳолатига чиқимлар таҳлилини кўрадиган бўлсак, хўжалик субъектларига иш ҳақи ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлар учун 4 776,0 минг сўм ажратилган. Нақд пул тушумига эга бўлган юридик шахслар учун 2 900,0 минг сўм, Халқ банки филиаллари орқали нафақаларга берилган пуллар эса 52 291,0 минг бўлиб, бу умумий сумманинг 36 % ини ташкил этади.

Банк пластик карточкасига бошқа мақсадлар учун келиб тушган маблағлар ҳисобидан 92 000 сўм, бошқа мақсадлар учун берилган пуллар 349 000 сўм, нақд пулларни топшириш ҳисобига шаклланган омонатларга берилган пуллар 2 763,0 минг сўм миқдорида бўлиб, умумий сумманинг қарийб 2 %ни ташкил этган.


II.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таҳлили

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар ҳам айнан ушбу пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга қаратилган. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг марказини “УЗКАРТ” банклараро тўлов тизимига бирлаштирилиши билан пластик карточкалар орқали ўтказилаётган банк операцияларини ягона режимда амалга оширилишига имкон берди. Бошқача сўз билан айт-

ганда, тизим аъзолари бўлган барча 28 та тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкаларга савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ташкилотларида ўрнатилган терминаллар, банкоматлар ёки инфокиоскларда тезкор равишда хизмат кўрсатилиши таъминланди. Тиз Республика бўйича терминаллар сонининг ўсиши динамикаси имнинг бундай фаолият кўрсатишини ташкил этилиши эса нафақат пластик карточкаларнинг сонини ортишига, балки уларга хизмат кўрсатиш шохобчалари сонининг ошишига ҳам олиб келади, чунки тизим иштирокчиси бўлган ҳар бир банк ўзининг терминаллар тармоғини кенгайтириши билан бир қаторда, тизимнинг такомиллашувига ҳам кўмаклашади.

-диаграмма

Республика бўйича терминаллар сонининг ўсиши динамикаси¹



Амалга оширилган ишлар натижасида, 2011 йил бошига келиб республикаимиз бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони қарийб 8 млн. донага, уларга хизмат кўрсатиш терминаллар сони эса 86 мингдан зиёдроққа етказилди.

Таъкидлаш жоизки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланишида нафақат тижорат банкларининг амалга оширган ишлари, балки аҳолининг янги турдаги банк хизматлари ва замонавий технологияларга бўлган қизиқиши ҳамда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган

^{1 1} Банк ахборотномаси.//2011 й. № 22

чораларни тўғри англаб етиши ҳам мазкур тизимнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Чунки кенг жорий этилаётган пластик карточкалар аҳоли учун ҳам бир қанча қулайликлар ва афзалликларни яратади. Масалан, ҳозирда пластик карточкалар ўз эгаларига турли хил тўловларни аниқ амалга оширилишини таъминлайди ҳамда сақланаётган маблағларга фоиз тарзидаги қўшимча даромад олиш имконини беради. Бундан ташқари, пластик карточкага исталган миқдорда пул маблағларини юклаш имконияти мавжуд бўлиб, унинг эгаси хоҳлаган вақтда мазкур карточкадаги маблағларнинг қолдиғи ёки бўлмаса ўтказилган транзакциялари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ушбу карточкаларга бўлган аҳолининг ишончини янада оширади.

Мазкур тўлов воситасидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишида аҳоли билан бир қаторда банклар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодиёти учун ҳам жуда кўп афзалликлар мавжуд.


Хусусан, муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар ёрдамида банкларда қўшимча равишда миждозларга кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилади ва уларнинг рақобатбардошлиги оширилади, пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи банкоматлар, инфокиосклар ва терминаллар тармоғини яратиш ҳисобига даромад олинади, пул маблағларини инкассация қилиш билан боғлиқ бўлган банк харажатлари камаёди ҳамда карточкалар орқали иш ҳақи лойиҳаларини кенг жорий этиш йўли билан корпоратив миждозлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Шуни айтиш жоизки, 2010 йил давомида пластик карточкалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 2,5 бараварга ошган.

Жорий йилда тижорат банклари томонидан замонавий банк хизмат турларини кенгайтириш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада жадаллаштириш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.¹

-диаграмма

Республика бўйича пластик карточкаларнинг ўсиши динамикаси²



Диаграммадаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2005 йилда республика бўйича пластик карточкалар сони 405 754 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб, 7 909 370 донага етган. 2005 йилга қараганда 20 бараварга ортган.

2010 йилдаги маълумотларга қиёслайдиган бўлсак, пластик карточкалар сони 1 йилнинг ўзида 1 866 480 тага ўсган.

Кўрсаткичларнинг бундай ўсишига Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва ушбу қарорлар билан биргаликда тижорат банклари ва Ягона Умумреспублика

¹ Банк ахборотномаси.//2011 й. № 22

² Банк ахборотномаси.//2011 й. № 22

процессинг марказига бир қатор солиқ ва божхона имтиёзларининг тақдим этилиши ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарига берилган имтиёзлар ижобий таъсирини кўрсатди. Нафақат тижорат банклари, балки аҳоли ҳам бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларни тўғри англаб етмоқда, пластик карточкаларнинг қулайликлари ва афзалликларини англаб етмоқда.

-жадвал

Банкнинг миллий валютадаги карточкалар таҳлили (2010 йил 1 май ҳолатига)

№	Филиал номи	Карточкаларнинг умумий сони	Ойлик иш ҳисоб лойиҳаларидаги карточкалар сони	Корпоратив карточкалар сони	Пластик карточкалар ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар	2010 йилда пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган сумма	2010 йил ойлик иш ҳисоб лойиҳаси асосида пластик карточкаларга ўтказилган маблағлар	Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларининг умумий сони, бундан:	Савдо терминаллари сони
1	Амалиёт	15640	457	5	429 972,6	1 265 192,6	61 472	46	35
2	Мингбулак	3000	186	0	80 753,0	819 407,6	58 361	38	34
3	Янгиқурган	3481	106	0	132 799,0	797 579,8	8 833	46	44
4	Чуст	6996	187	0	172 842,9	758 303,0	17 991	42	38
5	Пап	5613	343	8	249 105,0	1 375 185,7	91 916	56	50
6	Учқурган	4227	173	8	68 968,2	1 408 444,1	0	56	53
7	Турақурган	5267	65	4	118 064,0	820 000,6	0	49	47
8	Уйчи	6416	220	0	212 066,3	669 111,3	0	42	39
9	Чартак	2447	72	0	74 461,3	423 461,3	28 333	37	34
10	Нарын	984	154	0	20 947,0	527 146,7	31 249	35	32
11	Касансай	4721	239	0	216 815,9	1 377 969,5	79 702	60	57
12	Тошбулок	4678	69	0	322 359,1	649 755,0	48 348	32	29
	Жами	63 470	2 271	25	2 099 154,3	10 891 557,2	426 204	539	492

Манбаа: ДТ Халқ Банки Наманган вилоят ҳудудий филиали маълумотлари

Республикамизда кейинги йилларда пластик карточкалар ўсиши билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида ўрнатилган терминаллар сони ҳам ортиб бормоқда. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2011 йилга келиб терминаллар сони 86 100 тага етган. Бу кўрсаткич 2005 йилги маълумотларга қараганда, қарийб 29 баробарга ортганлигидан далолат беради. 2010 йилнинг ўзида республика бўйича терминаллар сони 2009 йилдагига қараганда 2 баробарга ортган.

Давлат Тижорат Халқ Банки Наманган вилояти ҳудудий филиаллари бўйича 2010 йил 1 май ҳолатига миллий валютадаги пластик карточкаларга оид маълумотларни таҳлил қиламиз.

Мисол учун, Учқўрғон тумани филиалини оладиган бўлсак, Учқўрғон тумани филиалида муомалага чиқарилган карточкаларнинг умумий сони 4227 донани ташкил этади. Ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 173 дона, корпооратив турдагилари эса 8 та. Пластик карточкалар ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағлар суммаси 68968,2 минг сўмни ташкил қилган.

2010 йил давомида пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган сумма миқдори 1 408 444,1 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари 2010 йил давомида пластик карточкаларга кредит маблағлари ва омонатдаги мавжуд маблағлар ўтказмалари операциялари бажарилмаган.

Давлат Тижорат Халқ Банки Учқўрғон филиали миждозларининг савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлари умумий сони 56 тани ташкил этиб, бунда миждозларга ўрнатилган савдо терминаллари сони 53 та, банк хизмат терминаллари сони 3 донани ташкил этади.

2010 йил давомида карточкалар орқали ўтказилган тўловлар сони 77 432 тани ташкил этган, шундан 77 069 та савдо транзакциялари орқали ўтказилган. Пластик карточкалар орқали нақд пул бериш бўйича ўтказмалар сони 363 тани ташкил этган.

2010 йилда пластик карточкалар орқали 610 828,0 минг сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлиб, бундан:

а) савдода ўтказилган транзакциялар суммаси қарийб 98% ни, яъни 599 256,8 минг сўм суммани ташкил этган.

б) пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига пластик карточкалар орқали 1 597,6 минг сўмлик тўловлар ўтказилган.

в) коммунал тўловлар учун ўтказилган транзакциялар суммаси эса 9 887,6 минг сўмни ташкил этган, 1,98 % га тўғри келади.

Бундан ташқари, банкдан пластик карточкалар берилган нақд пулларнинг умумий суммаси 86,0 минг сўмни ташкил қилган.

-диаграмма

Наманган вилояти бўйича терминалларнинг ўсиши динамикаси¹

	Туманлар	Талаб	Январ ойида олиб келинди	Ҳақиқатда жами	Ўрнатилган	Заҳирада	Фарқи (+,-)
1	Наманган шаҳар	2 221	300	2 222	1 752	470	1
2	Мингбулоқ тумани	234	0	195	192	3	-39
3	Косонсой тумани	354	0	251	248	3	-103
4	Наманган тумани	273	0	185	185	0	-88
5	Норин тумани	162	0	146	143	3	-16
6	Поп тумани	406	0	332	329	3	-74
7	Тўрақурғон тумани	253	0	213	210	3	-40
8	Уйчи тумани	294	0	229	225	4	-65
9	Учқурғон тумани	423	0	304	301	3	-119
10	Чортоқ тумани	269	0	173	173	0	-96
11	Чуст тумани	445	0	311	308	3	-134
12	Янгиқурғон тумани	245	0	196	195	1	-49
	Жами	5 579	300	4 757	4 261	496	-822

Манбаа: Наманган вилоят Марказий банки Бош бошқармаси маълумотлари

Миллий валютадаги пластик карточкаларнинг энг кўп ҳиссаси Давлат Тижорат Халқ Банки амалиёт бўлимига тўғри келади, бу жами карточкаларнинг 25% ини ташкил қилади. Энг кам қисми ,яъни 2% и Давлат Тижорат Халқ Банки Норин тумани филиали ҳиссасига тўғри келади. Давлат Тижорат Халқ Банки Наманган вилояти ҳудудий филиаллари бўйича корпоратив карточкалар сони 25 тани ташкил этиб, шундан 5 таси алиёт”

¹ Банк ахборотномаси.//2011 й. № 22

бўлими томонидан, 4 дона Тўрақўрғон тумани филиали томонидан, Поп ва Учқўрғон туман филиаллари томонидан эса 8 тадан корпоратив карточкалар муомалага чиқарилди.

-диаграмма

Наманган вилояти бўйича пластик карточкаларнинг ўсиши динамикаси¹

	Туманлар	Талаб	Январ ойида олиб келинди	Ҳақиқатда жами	Ўрнатилган	Заҳирада	Фарқи (+,-)
1	Наманган шаҳар	2 221	300	2 222	1 752	470	1
2	Мингбулоқ тумани	234	0	195	192	3	-39
3	Косонсой тумани	354	0	251	248	3	-103
4	Наманган тумани	273	0	185	185	0	-88
5	Норин тумани	162	0	146	143	3	-16
6	Поп тумани	406	0	332	329	3	-74
7	Тўрақўрғон тумани	253	0	213	210	3	-40
8	Уйчи тумани	294	0	229	225	4	-65
9	Учқўрғон тумани	423	0	304	301	3	-119
10	Чортоқ тумани	269	0	173	173	0	-96
11	Чуст тумани	445	0	311	308	3	-134
12	Янгиқўрғон тумани	245	0	196	195	1	-49
	Жами	5 579	300	4 757	4 261	496	-822
	Жами	5 579	300	4 757	4 261	496	-822

Манбаа: Наманган вилоят Марказий банки Бош бошқармаси маълумотлари

Давлат тижорат Халқ Банки Наманган вилоят ҳудудий филиаллари бўйича 2010 йилда пластик карточкалар орқали ўтказилган тўловларнинг умумий сони 813 224 тани ташкил қилиб, бу тўловларнинг энг кўп қисми Косонсой тумани ҳиссасига тўғри келади. Энг кам ўтказилган тўловлар сони эса “Амалиёт” бўлими ҳиссасига тўғри келади, бу жами тўловларнинг 5 %

¹ Банк ахборотномаси.//2011 й. № 22

ини ташкил қилади. Шундан савдо-сотик орқали ўтказилган транзакциялар сони 808 252 та бўлиб, умумий тўловлар сонининг 99 % ига тўғри келади.

2010 йилда пластик карточкалар орқали ўтказилган тўловларнинг умумий суммаси 4 380 878,0 минг сўм бўлиб, бунда энг кўп улуш Учқўрғон тумани филиали ҳиссасига тўғри келади. Ўтказилган тўловларнинг энг кам суммаси 174 413,6 минг сўмни ташкил этиб, бу Норин тумани ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, умумий тўловлар суммасининг энг кўп қисми савдо орқали ўтказилган , яъни 88 %. Худудий филиаллар орқали коммунал тўловлар учун ўтказилган транзакцияларнинг умумий суммаси 474 897,5 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилояти тижорат банклари томонидан 2011 йил 1 февраль ҳолатига жами 5 579 дона терминалга талаб бўлиб, бу талабнинг энг кўп қисми Наманган шаҳар улушига тўғри келади. Норин туманида ишлаб чиқариш камлиги сабабли энг кам талаб Норин тумани ҳиссасига тўғри келади. Биргина январь ойининг ўзида Наманган шаҳрига 300 та терминал олиб келинди ва ўрнатилган терминаллар сони 1 752 тага етказилди. Бу терминаллардан захирада 470 та терминал бор. Наманган шаҳрининг ўзида терминал мавжуд бўлган талабдагидан 1 дона кўп ўрнатилган.

Пластик карточкаларга умумий талаб Наманган вилояти бўйича 690 013 тани ташкил қилиб, ҳақиқатда очилган пластик карточкалар сони

470 943 дона. Бу карточкалардан пенсионерларга тарқатилгани 54 340 тани ташкил этади. Биргина январь ойи таҳлилини оладиган бўлсак, шу ойнинг ўзида 27 168 дона карточка олиб келинди.

Учқўрғон тумани маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Учқўрғон туманида терминалга бўлган талаб 423 дона бўлиб, ҳақиқатда жами терминаллар сони 304 тани ташкил қилади. Шундан 301 донаси ўрнатилиб, 3 таси захирада сақланмоқда.

III-боб. Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов тизими ва уни такомиллаштириш

III.1. Банклар фаолиятида тўлов тизими муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Республикамизда тўлов тизими йил сайин такомиллашиб бормоқда. Бу эса банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияларига катор ўзгаришларни киритилишни тақозо қилмоқда. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳам мазмунан, ҳам сифат жиҳатидан аввалги йилларига нисбатан ўзгармоқда. Барча ҳисоб китоблар банклар орқали ўтказилади. Пул ўтказувчи ва пул олувчи томонлар бир банкнинг миждозлари бўлиб, улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бир банкда бошланиб шу банкнинг ўзида якунланади, яъни бир корхона ҳисобварағидан пул маблағлари суммаси камайиб ушбу сумма иккинчи корхона ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Мамлакаимизда тўлов тизимини самарадорлигини ошириш мақсадида иурли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Булар жумласига:

- * Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисидаги” Қонуни;

- * Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори;

- * Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2006 йил 3 августда ПҚ-433-сонли қарори;

- * Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ- 726- сонли қарори;

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитарига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090- сонли қарори.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ҳукуматининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга доир қарорларига мувофиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида, Марказий Банк томонидан Давлат Солиқ Қўмитаси билан биргаликда “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида” ги Низом тасдиқланиб, Адлия Вазирлигида 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, бугунги кунда пластик карточкалар аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари тизимини ривожлантиришдаги ва жамиятимиз ҳаётидаги муҳим молиявий воситага айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилиб, пластик карточкалар орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар 2010 йилда 2009 йилга нисбатан қарийб 3 баробарга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли қарори талабларига мувофиқ, барча савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўлов терминалларининг мажбурий ўрнатилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси зиммасига аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қонунчиликка биноан банк пластик

карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам тизимли мониторинг ўтказиш вазифаси қатъий юклатилганлигининг ўзи ҳам мазкур тизимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу тизимнинг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш ва энг асосийси банк пластик карточкаларидан фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида, барча масъул давлат идоралари ва тижорат банклари мутахассислари томонидан жойлардаги фуқаролик йиғинлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, касаба уюшмалари, “Маҳалла” жамғармаси билан биргаликда пластик карточкаларнинг қулайликлари ва афзалликлари хусусидаги маълумотларнинг мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг кенг қатламларига ёритилиб борилиши мамлакатимизда электрон тўловлар асосида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизимини янада кенг ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш, бу:

- Ўзбекистон Республикаси бўйича нақд пул муомаласини тартибга солиш;
- муомаладаги нақд пулнинг умумий массасини қисқартириш ва уни тақчиллигини бартараф этиш;
- нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ умумдавлат ҳаражатларини қисқартириш;
- аҳолини бўш пул маблағларини банк ҳисобварағларига жалб қилиш ва уларни хўжалик айланмасига киритиш;

- ижтимоий фондларнинг маблағларини нақд пул айланмадан нақд пулсиз айланма соҳасига ўтказиш ва улар орқали амалга оширилган банк операцияларидан қўшимча даромад олиш ҳисобига Давлат ижтимоий дастурларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини яратиш;
- пул маблағларининг айланиш тезлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси банк тизимини Халқаро тўлов тизимларига уланиши, Ўзбекистон Республикаси банк тизими имиджини халқаро даражага кўтариш.

Нақд пулларнинг мунтазам айланиши шароитида диққат эътибор банклар ва чакана савдо корхоналарида юқори шаффофлик, сифат ва хавфсизлик, шунингдек нақд пул муомаласини ташкил этишга харажатларни сезиларли камайтириш учун нақд пуллар айланишини оптималлаштиришга қаратилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқиб, жамиятдаги ҳар қандай иқтисодий фаолият юритувчи субъект ўз фаолиятини диверсификация қилиш йўллари кидириб топиши ва ривожланиши дастурига киритиши мақсадга мувофиқдир. Шу асосда истемолчиларга товарларни тез ва қулай етказиб бериш мақсадида кейинги пайтларда замонавий телекоммуникациялар ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Махсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини оширишда электрон тижорат муассасаларига катта имкониятлар очиб берилди.

Интернет орқали электрон бизнес бутун дунёда ривожланиб бормоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, электрон бизнес айланмаси 2007 йилда 4,2 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Форрестер Ресерч ва Гартнер Гроуп компанияларининг маълумотларига кўра, кўплаб бизнес компаниялари электрон бизнесдан фойдаланмасликлари сабабли ҳар йили ўртача 1,1-1,3 млрд. АҚШ доллар даромад йўқотар эканлар. Юқоридаги

келтирилган маълумотлардан бугунги кунда электрон бизнес жаҳонда ўз нуфузини сақлаб ва мустаҳкамлаб бормоқда деган хулосага келиш мумкин.

2008 йилнинг ноябрь ойидаги маълумотларига кўра, 6864 юридик ва 17 550 жисмоний шахс Интернет провайдерлар мижозидир. 28 млн.лик Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 6,2 % и Интернетдан мунтазам ҳафтасига камида бир марта фойдаланилади.

Ўзбекистонда электрон тижорат энди шаклланимоқда, Интернет-савдонинг улуши ҳозир мамлакатдаги умумий савдо ҳажмининг 1 фоиздан ошмайди.

Албатта келгусидаги катта-кичик бизнеснинг муваффақияти интернет, алоқа — телекоммуникация воситаларидан қай даражада фойдаланишимизга боғлиқ бўлади.

Ахборот технологияларининг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида мамлакатда компьютер ва ахборот технологияларини ўқитиш, дастурий воситаларни сотиш хизматлари, шунингдек уларга сервис хизмати кўрсатиш 2010 йил январь ойигача қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Бу муаммолардан республикаимиз шароитида бизнинг фикримизча қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади:

1. АКТ соҳасида мақсадли дастурларни ҳааётга тадбиқ этиш йуналишида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

- * ахборот, компьютер ва телекоммуникация хизматларини тақдим этиш инфратузилмасини шакллантириш;

- * миллий ахборот ресурслари ва технологияларни шакллантириш ва фойдаланишни тақдим этиш ҳамда давлатнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланишни таъминловчи инфра-тузилмани ривожлантириш;

- * хонадонларни оммавий равишда компьютерлаштиришни ривожлантириш;

- * интернетда ўзбек тилидаги сегментни ривожлантириш ва ундан ахборот хизматлари билан таъминлашда фойдаланиш;

- * турли даражадаги ҳукумат идоралари ва аҳоли ўртасидаги алоқани ахборот билан таъминлаш тизимларини яратиш;

- * ахборот ва телекоммуникация хизматларининг янги турларини яратиш ва мавжудларини шакллантириш;

2. Ахборотлаштириш жараёнларининг қонунчилик ва норматив ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш қўйидаги вазифаларнинг бажарилишини талаб қилади:

- * Мамлакатнинг ахборот жамиятига ўтиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

- * Тармоқлараро, тармоқ ичида ва минтақавий ахборотлаштириш дастурларини мувофиқлаштириш;

- * Ахборотлаштириш воситалари, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозори мониторинги ва таҳлили;

- * Ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- * Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ва норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

- * Ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш, сертификациялаш ва лицензиялаш тизимларини ривожлантириш;

- * Ахборот телекоммуникация технологияларидан кичик бизнесда фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, жумладан, электрон ҳужжат айланишини босқичма-босқич жорий қилиш;

- * Бошқарув органлари, ижтимоий институтлар ва фуқароларнинг ўзаро алоқа қилишини енгиллаштириш мақсадида расмий ахборотларни электрон шаклда акс эттириш стандартларини танлаш ва шакллантириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

* миллий ахборот ресурсларини бошқаришда давлат сиёсатини такомиллаштириш.

* Республикада электрон бизнеснинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорларида ҳам турли фаолият соҳаларида бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва ахборотлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтдаги “TexSistemaServis” (TSS) компанияси мана 10 йилдирки, нақд пулли касса амалиётларини автоматлаштириш учун ускуналар ва ечимларни етказиб бериш ва ишлашини ташкил қилиш, нақд пул айланишини оптималлаштириш соҳасида ишлаб келмоқда. Мазкур компания томонидан тақдим этилаётган барча маҳсулот ва хизматлар мамлакатимиз банклари ва бошқа нақд пул билан ишлайдиган ташкилотларда пулга ишлов бериш жараёнларининг маҳсулдорлигини, самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга хизмат қилмоқда.

“TSS”нинг маҳсулотлар портфели нақд пулни санаш, ҳақиқийлигини текшириш, саралаш, ўрамлаш ва сақлаш учун бир қатор техник воситаларни тақдим этади. Пулларга ишлов бериш воситалари қаторида компания пул санаш машиналари, тўлов воситаларининг ҳимоя белгиларини текшириш учун аппаратлар, автоматлаштирилган ўрамлаш ва сақлаш учун ечимлардан ташқари илгари қўл меҳнатидан фойдаланилган жараёнларни автоматлаштиришга қодир бўлган мажмуавий хусусиятдаги янги маҳсулотларни ҳам тақдим этади.

Компания асосий эътиборни банк сектори учун инновацион ечимларни ишлаб чиқишга қаратмоқда. Буларга банкноталарни сараловчилар, навбатни бошқариш тизимлари, рециркуляция имкониятлик электрон кассирлар, банкоматлар ва бошқа маҳсулотларни мисол қилиш мумкин. Бу каби ечимлар бизнинг бозор учун янгилик, аммо улар дунё амалиётида аллақачон ўзларининг самарадорликларини кўрсатиб бўлишган ва муайян равишда

Ўзбекистон шароитида ҳам пулга ва ахборотга ишлов беришга автоматлаштириш жараёнларида ўз ўрнини эгаллашлари мумкин.

Бу каби маҳсулотлар ўзида нималарни ифода этади, деган савол барча мутасаддилар учун қизиқарли.Шу боис мазкур ечимларга бир оз тўхталиб ўтишни жоиз билдик.

Электрон кассир - бу ечим ўзида ғазначи ва автоматик сейфнинг афзалликларни мужассам қилган кўп функцияли маҳсулот бўлиб, у нақд пулни қабул қилиш, тарқатиш ва инкассация қилиш, валюталарнинг ҳақиқийлигини текшириш ва номиналини аниқлаш вазифаларини амалга оширишади.Бунда банкнотлар билан бўладиган барча амалиётлар курилманинг сейфида амалга оширилади. Электрон кассир амалиёт кун икунларини ўтказишга вақтни бир неча дақиқаларгача қисқартирган ҳолда барча амалиётларни қайд этиб боради.Бу каби курилмалар иш маҳсулдорлигини оширади ва пул беришнинг анъанавий усули билан таққослаганда,мижозларга хизмат кўрсатишни тезлаштиради. Электрон кассир икки ва ундан ортиқ ғазначиларга хизмат кўрсатиши мумкин, у осонлик билан турли банк тизимларига интеграциялашади. У тўлиқ хавфсизлик ва пул билан ишлашнинг операцион касса қоидаларига амал қилиб, очиқлик ва иш қулайлигини таъминлаган ҳолда банк муассасаларининг фаолияти учун чиқимли амалиётларни ўтказишга жуда мос келади.

Электрон кассирларни қўллаш касса кабиналаридан воз кечиш ёки уларнинг сонини қисқартириш, нақд пул билан ишлаш хавфсизлигини ошириш, мижозга хизмат кўрсатиш вақтини камайтириш, нақд пул бериш ва қабул қилиш бўйича амалиётлар қийматини пасайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш имконини беради.

Навбатдаги маҳсулот бу – мижозлар оқимларини бошқариш тизимларидир. У навбатда туриш ҳолатини қулай қилиш билан бирга юқори сифатли сервис хизматлари билан муассаса ҳақида ижобий таассурот

колдиради. Бундай тизимлар қатор ресурсларни оқиллик ва самарадорлик билан бошқариш, замонавий ёндошув, мижознинг кутиш ҳамда хизматни тақдим этиш вақтининг қисқариши, хизматларни тақдим этишда иштирок этадиган ички коммуникация тизимларини янги босқичга олиб чиқиш каби афзалликларга эга. Бундан ташқари, мижозларнинг ўртача кутиш ва хизмат кўрсатиш вақти, операторларнинг бандлиги, хизмат турлари бўйича статистикани ўз ичига олувчи маълумотларга асосланган ҳолда компания департаментларининг, умумий тизим ва ҳар бир операторнинг меҳнат унумдорлигини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича режаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Албатта, бундай ечимлар турли соҳаларда қўлланилиши мумкин, аммо жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда мижозлар оқимларини бошқариш тизимлари банкларнинг амалиётлар залларида қўлланилади. Тизим архитектураси жуда қайишқоқ бўлиб, унинг хизмат кўрсатиш тузилмасига қараб ўсиши ва ўзгариши ва ҳар бир банк учун индивидуал бўлиши мумкинлиги диққатга сазовордир.

Эътиборга лойиқ яна бир маҳсулот бу – икки чўнтакли ҳисоблаш саралаш мижозлари бажаришга мўлжалланган. Шундай қилиб, сараловчилар ёрдамида банкноталарни тезкор равишда санаш, ҳақиқийлигини тешириш, номинали, жойлашиши, чиқарилган йилларига қараб саралаш ишларини ўтказиш мумкин.

Бу компания томонидан тақдим этилаётган универсал қурилмалар ҳақида тўлиқ маълумот эмас. Янги қурилмалар тез орада маҳаллий бозорда тақдим этилади.

“TSS” компанияси, бундай нақд пулга ишлов бериш ускуналарини республикамиз муасссааларига етказиб беришда, албатта, кўпгина хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилади. Улар технологияларни ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда етакчи бўлган компаниялар сифатида ҳалқаро бозорда ҳам ўз ишининг усталари сифатида обрў орттиришга улгуришган.

Булар BILLCON corporation, VAMA Maschinenbau GmbH, Cassida Corporation, Plus Banking Machines ва бошқа шу каби таниқли ишлаб чиқарувчилар бўлиб, компания улар билан тўғридан тўғри алоқа қилади.

Бу ўз навбатида, компанияга ускуналарни маҳаллий бозор учун мослаштириш имконини бермоқда. Қолаверса, бундай келишув етказиб бериладиган маҳсулот сифатининг асосий далолати, шунингдек, бутун техникага кафолат ва кафолатдан кейинги малакали хизмат кўрсатишнинг асосий гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Электрон тўлов тизимлари тўловларни бир онда амалга ошириш имконини беради. Энди чек бўйича тўлов қачон тушишини кутиб ўтириш, ўзини ва контрагентни тўламаслик хатарига йўлиқтиришни асло ҳожати қолмади.

Ҳозирда жаҳонда 300 дан ортиқ электрон тўлов тизимлари мавжуд. Улардан энг йириклари сифатида PayPal, E-GOLD, MONDEX, eCash, Moneybookers, WebMoney, Яндекс Денги, PayCash, E-port ларни санаб ўтишимиз мумкин.¹

Юртимизда ҳам электрон тижоратнинг тараққиётига катта эътибор берилмоқда. Шуниси қувонарлики, мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасидаги Интернет тармоғида ўз электрон валютасига эга биринчи давлатдир. Бундай жўшқин ривожланишнинг бош омили - республикамиздаги тегишли қонуний меъёрий базани етарлича шакллантирилганлигидир.

Юртимизда электрон тижорат ривожланишига, бозор муносабатларининг бири сифатида, устувор аҳамият бериб келинади. Аҳамиятли томони шундаки, республикамизда МДХ давлатлари орасида биринчиларидан бўлиб электрон тижорат ва электрон ҳужжат алмашинувини ривожлантириш ҳақида қонунчилик миқёсида қарорлар қабул қилинган эди.

¹ Бозор, пул ва кредит.//2010 й.№ 5

Бу борада амалга оширилган ишларнинг намунаси тариқасида халқаро иқтисодий ҳамжамият томонидан эътироф этилган WebMoneyTransfer Интернет тўлов тизимининг UZ ҳудудида тадбиқ қилинганлигини ҳамда Интернет тармоғида ўзбек сўмига эквивалент бўлган WMY ҳисоб китоб бирлиги вужудга келганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Бинобарин, мамлакатимизда электрон тижорат тараққиёти учун зарур бўлган меъёрий база шаклланган бўлиб, у соҳанинг кенг ва ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. WMY титул белгиларининг юзага келиши эса, электрон тижорат бозорининг ушбу сегменти ривожини учун кучли туртки бўлди, десак адашмаймиз.

2006-2009 йиллар миллий электрон тижорат бозори учун жадал ривожланиш даври бўлди. Электрон тўловлар соҳасида Paynet, E-pay, Fastpay, Unipay, Cyberplat каби савдо белгилари остида аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бугунги кунда юртимиз бўйлаб ушбу компанияларимизнинг кенг агентлар тармоғи ташкил этилган, улар орқали уяли алоқа, Интернет провайдерлар, халқаро телефон алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш, Тошкент шаҳри бўйича эса, булардан ташқари, шаҳар телефон алоқаси, электр энергия ва табиий газ хизматлари учун ҳам тўловларни амалга ошириш мумкин. Мазкур хизматларнинг қулайлиги, агентлар тармоғининг кенг қўламга эгаллиги ва белгиланган доирада исталган суммани тўлаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Тўловларнинг банкдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи - бу мобил тўловлар тизимлари бўлди. Улар қаторида Mabliss савдо белгиси, тижорат соҳасига кириб борганлигини 2008 йил март ойида эълон қилган Paykarta Интернет тўловлар тизими ҳамда ўз тақдимотини BestSoft 2008 кўргазмасида намойиш этган eKarmon тизими мавжуд. Мазкур тизимлар ўз миқдорларига уяли алоқа, Интернет тармоғидан фойдаланиш, халқаро телефон алоқа хизматлари, Интернет магазинлар ва тушликни етказишни амалга оширадиган ресторанлардаги харидлар учун

тўловларни амалга ошириш имконини беради. eKarmon Group компаниясидан хабар беришларича, eKarmon тизимининг ўзига хос жиҳати олди-сотдини амалга ошириш давомида хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланувчи учун электрон рақамли имзо рўйхатга олинишида бўлиб, мижоз уни қўллаган ҳолда тўловларни амалга ошириш мумкин.

Зарур меъёрий базанинг мавжудлиги, электрон тўловларнинг кенг ривожланганлиги ва бу борадаги аҳоли фаоллиги тобора ўсиб бораётганлиги WebMoneyTransfer нинг юртимизга кириб келиши ва бозордан мустаҳкам ўрин олишига таъсир кўрсатди.

WebMoneyTransfer бу - тўлиқ функционал бизнес муҳит бўлиб, ушбу тизимда иштирокчиларга бизнес фаоллигининг турли кўринишларини амалга ошириш имконини берувчи ихтисослаштирилган сервислар мавжуд. “Бозор” иштирокчилари ўз электрон бизнесларини юритишлари, Интернет дўконлар очишлари, кредит олиш ва беришлари, қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишлари, траст қўйилмаларни шакллантиришлари ва бошқа қатор бизнес лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ қилишлари мумкин. Тизимда аттестация хизмати ва иштирокчиларнинг шахсини аниқлаш учун WM аттестатлар бериш тартиби мавжуд. Иштирокчининг WM аттестати қанчалик юқори бўлса, унинг Интернетдаги бизнеси ҳам шунчалик самаралироқ, турли хизматлардан фойдаланиш имконияти шунчалик кўпроқ бўлади. Иштирокчиларга амалий фаоллик даражаси (бизнес даража) ва қарз бериш хизматидаги ишончлилик даражаси бериб борилади.

Шу ўринда электрон “сўм” лар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Айтиш керакки, WMY титул белгиларининг имкониятлари бошқа, аввалдан мавжуд титул белгиларникидан асло қолишмайди. WebMoney тизимининг WMY амалиётлари бўйича Ўзбекистондаги кафили, “TILLO-GARANT” Ўзбекистон кафиллик агентлиги бош директори Баграш Иминов сўзларига кўра, WMY титул белгиларига эгалик ҳуқуқи компаниянинг облигациялари билан таъминланади. Улар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида

белгиланган шартларга мувофиқ, ишончлилиги ва таъминланганлиги юқори даражада бўлган қимматли қоғозлар саналади.

Western Union каби хусусий валюта маблағларини жўнатиш тизимлари билан WebMoneyTransfer га ўхшаш электрон тўлов тизимларини таққослайдиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, электрон тижорат воситалари саналмиш бу тўлов тизимлари фаолияти пул жўнатмаларни амалга оширишга эмас, балки, биринчи навбатда, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришга қаратилгандир. “TILLO GARANT” Ўзбекистон кафилик агентлиги фақат WMY титул белгилари билан бажарилган амалиётлар таъминланганлигининг кафили бўлади ва WMY нинг миллий валютада киритилиши ва олинисини кафолатлайди. Қолаверса, Ўзбекистон Германия “Савдогар” банки билан ҳамкорликда Y ҳамённи масофадан тўлдириш хизмати йўлга қўйилди. Эндиликда тизим иштирокчилари банкнинг исталган бўлимидан ўз электрон ҳамёнларини тўлдириш имконига эга бўлдилар. Натижада Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб WebMoneyTransfer тизимида ўз Интернет ҳисоб-китоб бирлигимиз амалиётга киритилди.

Эндиликда исталган шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши маҳсулот ва хизматларни сотиш учун патент олиши ва Интернетда ўз савдо ресурсини очиши мумкин. Интернет тижоратда харажатлар одатий савдо нуқтасини ташкил қилгандагидан анча кам.

Шуни айтиш керакки, WMbuY юртимиздаги рақамли маҳсулотлар билан савдо қилувчи биринчи Интернет савдо майдончаси саналади. Бундан ташқари, WMbaY саноат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилган. Унда моддий маҳсулотларни on line тўлов асосида сотиш ва харид қилинган товарларни уйга етказиб бериш кўзда тутилади. Бу борада турли тушунмовчиликлар ва номақбул ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида WebMoney Uzbekistan лойиҳаси доирасида кўпгина ишлар қилинди. Аввало тижорат ривожланиши учун зарур тугал инфратузилма яратилди. WebMoney

тизимида ишлайдиган тадбиркорларга, уларнинг паспорт маълумотларни рўйхатга олиш асосида Шахсий Аттестат ва Сотувчи аттестати берилади. Шундан сўнг сайтга “WebMoneyTransfer нинг аттестацияланган иштирокчиси” тегишли ёрлиғи ўрнатилади. Бу ёрлиқ мазкур ресурс электрон тижоратни замонавий тарзда амалга ошириш учун очик эканлигини кўрсатади ва бундай ресурсга нисбатан ишончни оширади.

Шунингдек, Интернет ресурс соҳибларининг СТИР рақамлари кўрсатилган ёрлиқ логотипини сайтларга жойлаштириш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Бу ҳол юртимизда электрон тижоратни тартибга солиш ва истеъмолчиларга қонун асосида иш юритувчи ва солиқларни тўлаб боровчи тадбиркорни фойда кетидан қувган “ишбилармонлар”дан ажратиб олиш имконини беради.

Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича тўловларни амалга ошириш ва солиққа тортиш тартибини электрон тижорат тизими орқали юридик шахслар томонидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида қўлланилади. Бу, ўз навбатида, электрон тижорат чакана тўлов тизимининг субъектлар, яъни иштирокчилари доирасини аниқ белгилаш, амалга оширилаётган транзакциялар ҳисобини юритиш ва назорат қилишни таъминлаш, электрон тижорат ва электрон рақамли имзо тизими фойдаланувчилари сонини оширишга хизмат қилади.

Ушбу соҳадаги яна бир муҳим меъёрий ҳужжат сифатида “Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган бошқа намунавий ҳужжатлар шакллари тайёрлаш тартиби” ни зикр этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ги қонунларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21 сонли “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорининг 1 бандига

мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат электрон тижорат соҳасида ҳаракатларни расмийлаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаш, электрон шаклдаги контрактларга бўлган талабларни белгилаш ҳамда электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш бўйича ҳуқуқий шартларни ўрнатишга қаратилган.

Қувонарлиси шундаки, пластик карточкалар фақат нақд пул ечиб олиш учунгина эмас, балки, кўпроқ ҳолларда, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўловни амалга ошириш воситаси сифатида қўллаб келинмоқда. Маҳаллий банкларнинг муомалага чиқарилаётган сўмдаги пластик карталарининг сони ошиши билан савдо шохобчаларида бундай карточкалар билан тўловларни қабул қилиш терминаллари сони ҳам ортмоқда. Барча терминаллар ягона республика процессинг марказига бирлашган ва улар бўйича транзакцияларга UZKART тизимида ишлов берилади.

3.2. Тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари

Республикамызда электрон тўлов тизимининг тадбиқ этилиши иқтисодий соҳалар, айниқса, банк технологияларини автоматлаштириш соҳасида эришилган улкан ютуқ бўлди. Мазкур электрон тўлов тизимининг қисқа муддат ичида бутун ҳудудда тадбиқ қилиниши, тизимнинг хавфсизлиги юқори даражада таъминланганлигидан далолатдир. Бугунги кунда бунга хорижий мутахассислар ва экспертлар ҳам юқори баҳо бермоқдалар. Чунки, қисқа муддат ичида давлат даражасидаги тўлов тизимини яратиш ҳеч бир мамлакатда кузатилмаган.

Тўлов тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши тизимда хавф хатарларни камайтириш, ахборотларни хавфсизлиги ва ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича мунтазам равишда назорат ишлари олиб борилмоқда.

Бинобарин, замонавий технологияларга асосланган автоматлаштирилган тизим фаолияти нафақат маълумотларни қайта ишлаш ва уларни узатиш воситаларига, балки бутун мажмуани бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган мутахассисларга ҳам боғлиқдир.

Миллий электрон тўлов тизими электрон тўлов ҳужжатларини бир тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамидан иккинчи бир тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамига ўтказишни таъминлайди ва шунга зарур бўлган тегишли реквизитларни ўзида акс эттиради.

Электрон тўлов ҳужжати электрон файлларда электрон имзо билан ҳимояланиб сақланади. Электрон тўлов ҳужжати юридик кучга эга бўлиб, электрон тўлов тизими иштирокчилари ўртасида асл нусхаси ўрнига алмашинилади. Электрон тўлов ҳужжатлари тўлов тизимида файл кўринишида узатилиб, узатилаётган файлларда электрон тўлов ҳужжатлари ҳужжатлар чегараланмаган ҳолда, узатилган электрон тўлов ҳужжатлари иштирокчининг вакиллик ҳисобрақамида мавжуд маблағлар доирасида қайта ишлашга қабул қилинади. Электрон тўлов тизими барча узатилган ва қабул қилинган электрон тўлов ҳужжатларининг сақланиши учун жавобгар ҳисобланиб, у 10 йилгача сақланади.

Электрон тўлов ҳужжатлари Ахборотлаштириш Бош Марказининг ҳисоб-китоблар марказида қайта ишлаш жараёнида қуйидаги тарзда назорат қилинади:

- ташқи назорат- электрон тўлов тизимида иштирок этиш ва тўловларни амалга ошириш учун рухсат берилганлиги текширилади. Марказий банкда очилган вакиллик ҳисобрақами билан тижорат банкининг ички вакиллик ҳисобрақамлари қолдиғи ва айланмасини солиштиришнинг муваффақиятли яқунланиши электрон тўлов тизимида иштирок этишнинг асосий мезони ҳисобланади. Шунингдек, қабул қилинган файлларнинг техник талабларга жавоб бериши текширилади;

- ички назорат- ҳар бир файл қабул қилиниши билан амалга оширилади ва 12 турдаги хатоликлар текширилади. Текшириш давомида хатоликлари аниқланган тўлов ҳужжатлари қайта ишлашга қабул қилинмасдан ортга қайтарилади. Бундан ташқари, қўшимча равишда банк миқдосига очилган ҳисобрақам БАНК ДЕПОЗИТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ АХБОРОТЛАР БАЗАСИда рўйхатга олинганлиги текширилади. Барча аниқланган хатоликлар тизимда қайд этиб борилиши таъминланган;

- сўнгги назорат, яъни вакиллик ҳисобрақамларида мавжуд маблағлар тижорат банкдан қабул қилинган электрон тўловлар суммаси билан солиштирилиб текширилади. Маблағлар етарли бўлмаганда тўловлар қайта ишлашдан олинади ва тўловларни банкка қайтариб жўнатилади.

Тижорат банклари вакиллик ҳисобрақамларининг ликвидлигини ўзлари мустақил равишда бошқарадилар. Тўловлар вакиллик ҳисобрақамида мавжуд маблағлар доирасида амалга оширилиб, мабодо тўловларни ўтказишга маблағлар етарли бўлмаса маблағлар келиб чиқиши кутиб турилади. Электрон тўлов тизимида маблағларни марказлашган ҳолда бошқариш мавжуд эмас. Электрон тўлов тизимида тўловлар FIFO тамойили асосида қайта ишланади, яъни биринчи келган тўлов ҳужжати биринчи галда ўтказилади.

Ҳозирги кунда электрон тўлов тизимида кун давомида қисқа муддатли кредит, овердрафт каби ликвидли маблағлар мавжуд эмас. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашнинг асосий ва бирдан бир манбаси, депозит ёки банклараро кредит жалб қилиш ҳисобланади.

Электрон тўлов тизимида банклараро тўловлар республика Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобрақами доирасида амалга оширилади ва ўтказилган тўловлар якуний ҳамда чақириб олинмайдиган ҳисобланади. Электрон тўлов тизимларининг иш фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни республиканинг миллий электрон тўлов тизимида қуйидагича бошқарилади:

- кредит хавф- хатарлари - электрон тўлов тизими иштирокчиларидан бирортаси тизимда молиявий мажбуриятларини Электрон тўлов тизимида тўлиқ бажара олмаслиги натижасида юзага келади.

Республиканинг Миллий электрон тўлов тизимида бу хавф хатар мавжуд эмас, чунки тўловлар банкларнинг вакиллик ҳисобрақамларида мавжуд маблағлар доирасида амалга оширилади. Тўловлар дастлаб тўловчи мижоз ҳисобрақамидан дебетланиб, яъни ҳисобдан чиқарилиб, кейин маблағ олувчининг ҳисобрақамига ўтказилади;

- ликвидлик хавф- хатари - электрон тўлов тизимида иштирок этувчиларда маълум бир вақтда молиявий мажбуриятларини бажара олмаслик натижасида содир бўлади.

Вакиллик ҳисобрақамларида маблағлар етарли бўлмаса, тўловларнинг вакиллик ҳисобрақамига маблағлар келиб тушиши билан, тизимга узатилиши давом эттирилади. Электрон тўлов тизимида тўловларнинг кетма-кетлиги ёки маблағларни бошқариш механизми жорий этилиши мазкур хавф-хатарнинг қисқартирилишига олиб келади;

- ҳуқуқий хавф-хатарлар - ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги ёки тўғри ташкил этилмаганлиги натижасида, ликвидлик ва кредит хавф-хатарини келтириб чиқаради.

Электрон тўлов тизимида кун давомида қисқа кредитлардан фойдаланиш ва овердрафт мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу хатарлар вужудга келмайди:

- операцион хавф- хатарлар - бундай хавф хатарлар техниканинг носозлиги ва дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши ҳисобига келиб чиқади.

Миллий электрон тўлов тизимида деярли операцион хавф хатарларнинг тўлиқ олди олинган. Чунки, бугунги кунда электрон тўлов тизимида бир кунда 500 000 дан ортиқ тўлов ҳужжатини қайта ишлаш имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, 70 000 - 110 000 тўлов ҳужжатлари қайта ишланмоқда.

Электрон тўлов тизими тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, барча амаллар дастурий йўл билан бажарилади, фақат фавқулодда юзага келган вақтда тўловлар қўлда ўтказилади. Тизимда кунлик файлларни архивланган ҳолда бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки ва ундан ортиқ бинода сақланиши таъминланган;

- тизим билан боғлиқ хавф-хатарлар бундай ҳолат тизим иштирокчиларидан бирининг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида қолган иштирокчиларнинг ҳам электрон тўлов тизимида иштирок этишига тўғридан тўғри таъсир қилиши ёки тизимнинг бир маромда ишлашига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида келиб чиқади.

Электрон тўлов тизимида хавф хатарларни бошқариш тизими хавфсизлигини таъминлабгина қолмасдан, балки электрон тўлов ҳужжатларнинг юқори тезликда қайта ишланиши, пул маблағлари айланиши тезлигини жиддий равишда оширади. Бу эса республика хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан электрон тўлов тизимининг жорий қилинишида асосий тамойиллар ишлаб чиқилган. Бу асосий тамойиллар 10 та бўлиб, электрон тўлов тизимини тадбиқ қилаётган барча малакатларга шу тамойилларга асосланиш тавсия қилинади.

Шу тамойиллардан биттаси “Электрон тўлов тизимида ахборотлар хавфсизлиги юқори даражада таъминланган ва фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўловларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган бўлиши лозим” лигидир.

Миллий электрон тўлов тизимида ахборотлар хавфсизлиги юқори даражада таъминланган. Ахборотлар уч босқичли назорат ва электрон имзо билан шифрланади, тизим тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда барча амаллар дастурий йўл билан амалга оширилади, тизимда қўл билан ҳеч қандай амал бажарилмайди.

Тўлов тизимида вужудга келган энг муҳим масалалардан, таваккалчилик хавфларини табақаларга ажратиш ва уларнинг олдини олиш ва йўқотишдир.

Бугунги кунда тўлов тизими мутаххасислари томонидан яратилган ва ривожланган давлатларда амалда қўлланилаётган ахборотларни сақлаш ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминловчи дастур ва қурилмалар доимий ўрганилиб, мониторинга олиб борилмоқда. Ўрганиш натижалари кенг муҳокама қилиниб, миллий тизимга тадбиқ қилиш зарурати борлиги аниқланганда, зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда амалга тадбиқ этилмоқда.

Тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадида вилоят ва туманларда “Электрон тўловлар тўғрисида”ги қонунига асосан пластик карточкалар орқали тўлов тизимини такомиллаштиришнинг ҳолати”мавзуида ташкил этилган давра суҳбатлари ва тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган хизматлар намоишига бағишланган кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси фракцияси ташаббуслари билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, касаба уюшмалари, “Маҳалла” жамғармаси ва жойлардаги фуқаролик йиғинлари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ва солиқ бошқармаси мутасаддилари иштирокида ўтказилмоқда.

Давра суҳбатларида мамлакатимизда пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилаётгани, бунинг учун етарли ҳуқуқий базанинг мавжудлиги қайд этиб ўтилмоқда.

Айниқса, бу тизим ривожини йўлидаги ишлар давлат сиёсати даражасида ўз ечимини топаётгани аҳоли маблағлари хавфсизлигининг ишочли воситаси

бўлмиш пластик карточкалар тизimini такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда нақд пулсиз тўлов тизimini шакллантиришда барча қонуний механизмлар ишлаб чиқилишига қарамай, истеъмолчилар қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Юқоридаги каби давра суҳбатлари ҳам ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилашга қаратилган эди. Ушбу давра суҳбатлари ўзининг самарасини берди ва бериб келмоқда.

Бундан ташқари республика тижорат банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini яхши йўлга қўйиб, пул воситаларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга, тўлов тизimini такомиллаштиришга катта ҳисса қўшаётган муассасалар ҳам тақдирланмоқда.

Зеро, банк молия тизими хизматлари сифатини яхшилаш, уларнинг асосий турларини кенгайтириш ҳамда аҳоли учун ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш масаласи бу каби танловлар олдида қўйилган бош мақсадлардан экан, бу борада банкларнинг мазкур тизим доирасидаги фаолиятига эътибор қаратиш ҳамда муносибларини рағбатлантириб бориш ҳар жиҳатдан муҳим саналади. Банк чакана хизматлари орасидаги энг тез оммалашаётган пластик карточкалар тизими улар ўртасида ўзаро рақобатни юзага келтирмоқда. Бу, ўз навбатида, танловнинг ушбу тизим доирасидаги энг яхши эмитент ва эквайер банк номинацияларига “умидвор” ларни йил сайин кўпайтирмоқда. Бироқ, танлов ўз номи билан танлов. Унда энг муносиблар танлаб олиниши шарт.

Шундай қилиб, 2010 йилда электрон тўлов тизimini такомиллаштиришда энг яхши натижаларга эришган етакчи банклар деб, “Асака” давлат акциядорлик тижорат банки ҳамда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки номи қайд этилди.

2010 йил давомида “Асака” давлат акциядорлик тижорат банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2009 йилга нисбатан

140 %га ўсди. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига банк тизимидаги электрон карточкаларнинг умумий эмиссия ҳажми 648 174 тани ташкил этди.

Шак-шубҳасиз , пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. Жумладан, 2010 йил мобайнида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 497,6 млрд. сўмни (2009 йилга нисбатан ўсиш 61,7 %) ташкил қилди.

Айни пайтда, “Асака” банки тизимида сўм пластик карточкалар бўйича DUET, халқаро карточкалар учун эса MASTER CARD дастурлари ишламоқда. Ушбу дастурлар доирасида банк жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомидаги субъектларга пластик карточкаларни эмиссия қилмоқда.

Mastercard технологияси асосида ишлайдиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими мижозларга манзур бўлмоқда. Ушбу тизимдаги карточкалар уч тип (Maestro, Master Card Standart, Master Card Biznes)га бўлиниб, уларнинг ҳар бири алоҳида вазифани бажаради. Жумладан, Maestro пластик карточкасида асосан электрон ҳамён сифатида фойдаланилади. У бутун дунёда карточка ҳисобрақамидаги маблағни банкомат ва бошқа нақд пул бериш нуқталарида нақд пулга айлантириш имконини беради.

Master Card Standart пластик карточкаси барча давлатларда тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Мижоз ушбу карточка ҳисобрақамидаги банкомат ва бошқа нақд пул бериш нуқталарида нақд пулга айлантириш билан бирга, олинган мол ва тақдим этилган хизматлар учун ҳам тўловларни амалга ошириш мумкин. Шунингдек, карточка ёрдамида меҳмонхоналарга буюртма бериш ва масофадан туриб бошқа турли тўловларни бажариш белгиланган.

Master Card Biznes эса , корпоратив мижозлар учун белгиланган бўлиб, у орқали ташкилот ўз ходимларига белгиланган миқдорда маблағлар сарфлаш ваколатини беради. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 1,8 баробарга кўпайиб, 124 000 донани ташкил қилди.

Халқаро пластик карточкалар орқали аялға оширилган транзакциялар миқдори 324 млн.АҚШ долларидаи ошди.

Умуман, “Асака” давлат акциядорлик тижорат банки пластик карточкалар даражасини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, карточка соҳибларига тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиладиган тармоқни янада кенгайтириш ҳамда миждозлар учун янги жозибали маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишни ўз олдиға бош мақсад қилиб қўйган. Карточкаларни оммалаштириш учун банк доимий равишда тарғибот ташвиқот тадбирларини амалға оширади. Корхона ва ташкилотларни “Иш ҳақи” лойиҳаларида қатнашишға жалб этиш борасидаги фаол ишлар давом эттирилади. Терминаллар тармоғи янада ривожлантирилади. Бунда жисмоний ва юридик шахслар учун банк карточкаларидан фойдаланиш соҳаси янада кенгайтирилиши мўлжалланмоқда.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиёти жадал суръатлар билан глобал электрон инфратузилмани қуришға интилмоқда. Буни яхши англаб етган республикадаги тижорат банклари ўз маҳсулотлари ва хизматларини ривожлантириш стратегиясини режалаштираётганда улардан мамлакат ташқарисида ҳам фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини ва ҳатто, уни кейинчалик кенгайтириб боришни ҳисобға олмоқда.

Жумладан, “Микрокредитбанк” тизимида пластик карточкалар эмиссияси ҳажми 2010 йилда 2009 йилға нисбатан 162,8 %ға ўсганлигини, савдо сервис нуқталарида ўтказилган транзакциялар сони 331,3 %ға ошганлигини қайд этиш мумкин.

Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ҳудудий бошқармалари бўлимларида DUET серверлари орқали миждозларға ушбу тизим асосида банк қатнашчи сифатида хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ҳозирда банкнинг барча филиалларида DUET SMS Informator тизими орқали Beeline, Ucell ва Perfectum Mobile уяли алоқа компаниялари абонентлари бўлган миждозлар учун хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу “обуна” тамойили бўйича

уланган жисмоний шахслар 45 календарь кунида SMS Informator хизмати орқали барча маълумотларни, жумладан, банкдаги ҳисобрақамига келиб тушган ва кирим қилинган маблағлар, кўрсатилган савдо нуқтасидан амалга оширилган чиқим операциялари бўйича ахборот олиши мумкин. Юридик шахс мақомидаги савдо терминали эгаси эса, “обуна” тамойилига уланган ҳолда 15 календарь кунида ўз ҳисобрақамидаги маблағлар ҳаракати (инкассация) тўғрисида ҳам шу муддат ичида қўшимча валюта курсларининг ўзгариши ҳақида маълумот олиши мумкин.

Шунингдек, республикадаги биргина бу банкларгина эмас, балки бошқа банклар тизимида ҳам мижозларга сифатли ва замонавий хизмат турларини янада кўпайтириш, хусусан, пластик карточкалар асосидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Буларга чекка туман ва қишлоқлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталаридаги терминаллар сонини кўпайтириш, филиалларда коммунал ва бошқа тўловларни кечаю кундуз автоматик равишда қабул қилувчи электрон киосклар тармоғини ташкил этиш, мижозлар учун хорижий валюталардаги пластик карточкаларни муомалага чиқариш, VISA карточкалари асосидаги хизматлар кўламини кенгайтириб, унинг эмиссия ҳажмини ошириш кабилар киради. Шунингдек, “Иш ҳақи” лойиҳаси доирасида йирик ташкилот ва корхоналар билан шартнома имзоланиб, уларга яқин савдо объектларини терминаллар билан қамраб олиш, муомалага чиқарилган электрон карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ягона тарифга амал қилиш устидан мониторингни кучайтириш ҳам шулар жумласидандир.

3.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг

банк тўлов тизимига таъсири

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг издан чиқишига олиб келди.

Fannie Mae, Freddie Mac, Bear Stearns, Lehman Brothers, Northern Rock, Fortis каби дунёнинг юзлаб тижорат банклари ва ипотека агентликлари банкротлик ёқасига келиб қолишди. Бу эса, ўз навбатида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага елтирди. Бундай шароитда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатлар банк тизимини қутқариш мақсадида турли кўринишдаги усуллардан фойдаланди. Масалан, АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ҳисоб ставкасини 0,25 % га қадар пасайтирди. 2010 йил сентябрь ойида ҳисоб ставкаси 0,25 % даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Паст даражадаги ставкаларда марказлашган кредитларнинг йирик миқдорда берилиши АҚШ тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини тиклашда муҳим роль ўйнади. АҚШ тижорат банкларини давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлаш давлат дастурининг умумий ҳажми 2,0 трлн.АҚШ долларини ташкил қилди.

Европа Марказий банки ҳам (ЕМБ) “евроҳудуд” мамлакатлари тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида ҳисоб ставкасини пасайтиришга мажбур бўлди. 2009 йилда ЕМБ ҳисоб ставкасини тўрт марта пасайтирди. Ҳисоб ставкасининг сўнгги марта пасайтирилиши 2009 йил 13 майда юз берди ва унинг йиллик ставкаси 1 % қилиб белгиланди.

Россия Федерациясида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўли билан ликвидлигини тиклаш мақсадида уларга Марказий банк ва ҳукумат маблағлари ҳисобидан субординар кредитлар берилди. Мазкур субординар кредитлар 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган муддатга, йиллик 8 % ставкада берилди. Ушбу кредитларнинг 52,6 %и Марказий банкининг ҳиссасига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йилдан бошлаб банкларнинг ликвидлиги ва капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган сиёсатнинг изчиллик билан олиб борилганлиги 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-

иқтисодий инқирозининг мамлакат банк тизимига нисбатан таъсирининг кескинлашишига имкон бермади. Глобал молиявий инқироз бошланганда

Ўзбекистон Республикаси банклари капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқори эди. Бу эса, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш сиёсатининг маҳсули натижаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил июль ойидаги ПҚ-670-сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлаштириш даражасини ошириш вазифаси қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Республика банк назорати тизимини йўлга қўйишда банк муассасаларида давлат банки йўриқномалари бажарилишини текшириш йўли билан назорат қилишдан воз кечилди. Эндиликда банк назорати тизимининг асосий вазифаси омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимояланишини таъминлаш, банк тизимида таваккалчиликлар даражасини бошқариш масалалари бўлиб қолди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, банк фаолиятини тартибга солувчи, тўлов тизимини такомиллаштирувчи меъёрий ҳужжатлар халқаро стандартлар, энг аввало Халқаро ҳисоб-китоблар банки ҳузуридаги Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назорати принципларига мувофиқ ҳолда қайта ишланди, банк фаолияти натижаларини баҳолашнинг янги стандартлари ва нормативлари жорий этилди.

Фақат кучли банк назорати ва тўлов тизимини такомиллаштириш орқалигина иқтисодиётнинг қон томири бўлган банк-молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини, иқтисодий инқирозларнинг олди олинишини, хусусий капиталнинг кенг жалб қилинишини, хорижий инвесторларнинг мамлакат молия тизимига ишончи янада оширилишини таъминлайди.

Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларидаги ушбу жумлани келтириш ўринлидир:

“...Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз банк молия тизимин ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади”.¹

Бундан ташқари, ҳозирги кунда электрон савдо орқали ишлаётган веб сайтлар Интернет магазинлар сони ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, www.korzinka.uz, www.torg.uz ва ҳоказолар буларнинг мисолидир. www.korzinka.uz веб сайтидан товарларни қидириш, аниқлаш ва харид қилиш учун етарли амалларни бажариш мумкин. Лекин тўлаш ҳолатига келганда эса, Интернет магазин маъмуриятига анъанавий тарзда ёки пластик карточкалар орқали тўлашга тўғри келади. Бу эса, электрон тижорат тўлиқ амал қилаётганини қандайдир даражада етарли эмас, деб изоҳласак, хато қилмаганимизни кўрсатади. Барибир яқин келажакда шу соҳа вакиллари ўзларининг тармоқ қирраларини ривожлантиришлари, соҳани янада юқори поғонага олиб чиқишларига шубҳа йўқ.²

Юқоридаги маълумотлардан аёнки, Ўзбекистонда электрон тўлов тизими ҳамда электрон тижоратнинг ривожланишида амалий ишлар босқичма-босқич йўлга қўйиб борилмоқда. Улар эртанги кунда миллий давлат иқтисодий жабҳаларининг гуркираб тараққий этишида асосий ўринларни эгаллаши шубҳасиздир.

¹Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

² www.korzinka.uz.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётимизнинг изчил суръатларда ўсиши, республикамизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлида қўйган дадил қадамларимиз дунё ҳамжамияти, шу жумладан, нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан мунтазам эътироф этиб келинаётгани биз учун ниҳоятда қувонарли ҳолдир.

2010 йил апрель ойида “Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг кейинги устувор йўналишлари(Ўзбекистон мисолида)” мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференциянинг халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлардан ташкил топган иштирокчилари ҳам иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган “ўзбек модели” ижобий натижаларини амалда кўрсатаётганлигини эътироф этдилар.

Қолаверса, ўтган йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан банк тизимининг ривожланиши тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Бугунги кунда тижорат банклари республикамизнинг барча минтақаларида ўз муассасаларига эга бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси ва хўжалик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кўрсаткичлари энг ривожланган мамлакатлар даражасига етди.

Мамлакат банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар банкларимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланишини таъминлади.

Мамлакатимизнинг банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашда ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш муҳим ўрин тутди.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизмати турларини кенгайтириш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Бугунги кунда банклар томонидан жами 8 млн.га яқин, жумладан, 2010 йил давомида 1,8 млн.дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида жами 86 мингга яқин, жумладан 2010 йил давомида 2,5 мингдан зиёд терминал ва инфокиосklar ўрнатилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажми йилдан-йилга юқори суръатларда ошиб бормоқда. Мисол учун, 2009 йилда пластик карточкалар орқали 3,3 трлн.сўмлик ўтказмалар амалга оширилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 5,7 трлн.сўмни ташкил қилди. Пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар таркибида товарлар ва пулли хизматлар учун ҳисоб-китоблар салмоғи 2009 йилдагига нисбатан 2,5 баробарга ошган.

2011 йилда тижорат банклари томонидан замонавий банк хизмати турларини кенгайтириш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш борасида ишлар давом эттирилиб, шу йилда 2010 йилнинг шу даврига қараганда пластик карточкалар сони 1,42 млн.донага кўпайиб, 7,91 млн.тага етди. Ўрнатилган терминаллар сони эса 25,2 мингтага кўпайди ва 86,1 мингтани ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2010 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 2 баробар ошди.

Бугунги кунда республикада 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти, 58 та ломбард, жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, фаолият юритаётганлиги мамлакатимизда нобанк кредит

ташкilotлари тизимининг ривожланиши учун етарли имконият ва шарт-шароитлар яратилганлигидан далолат беради.

Жумладан, нобанк кредит ташкilotларининг жами активлари 2010 йилда 1,6 баробарга кўпайиб, 350,6 млрд.сўмни ташкил қилди. Шунингдек, нобанк кредит ташкilotлари кредит ташкilotлари кредит портфелининг умумий ҳажми 1,6 баробарга ортиб, 304,6 млрд.сўмга етди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ҳам республика банк-молия тизимини ислоҳ қилишда янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун банк тизимини баҳолашга нисбатан ёндашув ва услубларни тубдан ўзгартириш, унинг умум қабул қилинган халқаро принциплар, стандартлар ва меъёрларга ҳамоҳанг тарзда ривожланишини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438-сонли Қарори ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, республикада банк назорати тизимини халқаро принциплар ва стандартлар асосида ривожлантириш борасида йиллар давомида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози сабабларини чуқур ўрганган ҳолда Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилаётган банк назоратининг такомиллаштирилган тизими – “Базел 3” ни босқичма-босқич тадбиқ этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

“Базель 3” тизими, аввалги тизимлардан фарқли ўлароқ, кутилаётган эҳтимолли йўқотишлар учун резервлар шакллантиришни, шу асосда,

банкларда барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этишни, шунингдек, капиталнинг етарлилик ва ликвидлик даражаси мезонларини кучайтиришни кўзда тутди.

Республика банк тизимининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, унинг капиталлашиш даражасини оширишнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Ана шундай имкониятларидан бири республикада банклари томонидан чиқарилаётган узоқ муддатли облигацияларни, субординациялашган қарз мажбуриятлари сифатида, банкларнинг иккинчи даражали капитали таркибига киритишдир. Ушбу таклифнинг амалиётга тадбиқи банкларнинг барқарорлигиниянада мустаҳкамлашга, уларнинг фонд бозоридаги иштирокини кучайтиришига хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, республикада Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакат банк тизимининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини ошириш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда ва у ўзининг ижобий натижаларини намоён қилмоқда.

Битирув малакавий иши мавзусини чуқур таҳлил қилиб, ўрганган ҳолда қуйидаги таклифларни киритаман:

Электрон тижоратни ривожлантириш соҳасида қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши талаб қилинади:

*интернетдан фойдаланиб савдо қилувчи нуқталарни тизимларни кўайтириш;

*корхона ва компанияларнинг веб-сайтларини яратишни кенгайтириш;

*яратилган веб-сайтларга ташриф қилувчиларнинг сонини кўпайтириш;

*корхона ва компанияларнинг рекламаларини ташкил қилиб, уларнинг сайтларга ташриф қилувчиларни мижозларга айлантириш.

*веб-сайтни корхоналар ва компаниялар аҳолининг барча қатламларига манфаатларини ҳисобга олишлари лозим, асосан шу ҳолат улар фаолиятини муваффақиятини таъминлайди;

*электрон тўлов тизимини амалга оширишда қонунийликни таъминлашни кучайтириш, хусусан, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларда кучайтириш;

*тўлов терминаллари билан жиҳозланган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналар устидан масъул шахслар жавобгарлигини ошириш, янада кенгрок тушунтириш ишлари олиб бориш, жойларда терминаллар сонини кўпайтириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, аҳоли учун пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китобларни тезкор ва аниқ амалга ошириш, қўшимча даромад олиш, шунингдек, пул маблағларини йўқотиб қўйиш ёки ўғирлатиш ҳамда қоғоз пулни сохталаштириш, эски ва яроқсиз пул олиш билан боғлиқ, рисклардан холи бўлиш имкониятини берса, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун ушбу карточкалар пул маблағларини тезкор равишда ҳисобварақларга ўтказилишини, бунинг ҳисобига эса пул маблағлари айланмасини тезлаштиришни, шунингдек, инфляцион зарарнинг хатарини камайтиришни ҳамда янги турдаги хизматларни таклиф этиш эвазига корхоналарнинг имижини ва доимий мижозларнинг умумий миқдорини оширишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 й. 26 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 й. 4 феврал.
4. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора - тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент 2002 й. 30 март.
5. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
6. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
7. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 60-сонли Низом. 2002 й. 12 январ.
8. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 й. 6 октябр.

9. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китобларни юритиш ҳақидаги 1010-сонли Низом. 2001 й. 15 феврал.
10. Ҳисоб-китоб марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича 400-сонли йўриқнома. 1998 й. 6 июл.
11. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. 1996 й. 20 сентябр.
12. Банк асосий воситаларини ҳисоби бўйича 518-йўриқнома. 2002 й.
13. Банк кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби бўйича 520-сонли йўриқнома. 2002 й.
14. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги 61-сонли йўриқнома. 1997 й. 5 сентябр.
15. Абдуллаева Ш.З. «Пул, кредит ва банклар» Тошкент 2007 й.
16. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» Ўқув қўлланма Тошкент 2005 й.
17. Абдуллаева Ш.З, Наврўзова К.Н. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув қўлланма Т. 2001 й.
18. Грязнова А. «Финансово-кредитный энциклопедический словарь» ФиС. 2002 г.
19. Жарковская Е. «Банковское дело» Курс лек. Омега-Л 2002 г.
20. Маликов Т., Холмахмадов З., Тошмурадов Ш. Платежная система. Т., 2000 г.
21. Муллажонов Ф. «Банк тизими» Тошкент 2001 й.
22. Муругова И.А. Наврўзова К.Н. «Основа бухгалтерского учета банках» Т. 2001 г.
23. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. ТМИ, 2003 й.
24. Островская О. «Банковское дело» Толковый словарь Гелиос АРВ. 2001 г.

25. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н. “Сборник корреспонденций счётов бухгалтерский учета по новому счётному плану” М.: Из-во Бухгалтерский учет, 2001 г.
26. Порфенов К.Г. “Банковский учет и операционная техника в коммерческих банка” Изд-3-е переработка. М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень 2001 г.
27. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. “Экономика” 2002 г.
28. Эргашев Х.Х. Учёт денежных средств, расчётных и кредитных операций: Учебно-практ. пос. – М.: Дом Дашкова 2000.
29. Бобокулов Т. Тижорат банклари ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар. «Бозор, пул ва кредит» журнали 2004 й. 9-сон.
30. Наврузова К.Н. Вопросы укрепления платежной дисциплины. «Ўзбекистон Банк Тизимини Ислоҳ Қилиш ва Эркинлаштиришнинг Асосий Йўналишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.
31. Наврўзова К., Ортиқов О. Совершенствование платежной системы Узбекистана. 17-Международные Плехановские чтения. Москва 21 апрел. 2004 г. 88-89 б.
32. Ортиқов О. Россия Федерацияси тўлов тизими. Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференция. Т. 30 апрел 2004 й. 120-121 б.
33. [www. bankir. ru](http://www.bankir.ru)
34. <http://www.federalreserve.gov>
35. <http://www.uzland.uz>
36. <http://www.gov.uz>
37. <http://www.uza.uz>
38. <http://www.mfa.uz>
<http://www.bearingpoint.uz>